

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

РАХИМОВ МАНСУР ОДИЛЖАНОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИДА МИЛЛИЙ ДУНЁ
ТАСВИРИНИНГ АКС ЭТИШИ**

Лингвистика – 5А 120102 (инглиз тили)
Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш қўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудири
ф.ф.н., доцент М.Р. Галиева

“ _____ ” _____ 2014 йил

Илмий раҳбар:
ф.ф.н., доцент
И.Ибрагимходжаев

Тошкент - 2015

МУҲДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. Ҳозирги замон тилшунослигида тил ва маданият масаласининг илмий адабиётдаги талқини	
1.1. Миллий дунё тасвири ва мақоллар.....	6
1.2. Паремиялогия фан сифатида.....	14
I боб бўйича хулосалар	23
II Боб. Тилда миллийликнинг ифодаланиши ва унинг асосий тамойиллари	
2.1. Инглиз ва ўзбек мақолларининг манбаларининг миллий-маданий хусусиятлари.....	25
2.2. Инглиз ва ўзбек мақолларининг семантик-тематик гуруҳланишининг миллий-маданий хусусиятлари.....	35
II - Боб бўйича хулосалар	47
III Боб. Инглиз ва ўзбек мақолларининг миллий дунё тасвирини акс этишда аҳамияти	
3.1. Инглиз ва ўзбек мақолларининг миллий-маданий хусусиятлари.....	49
3.2. Инглиз ва ўзбек мақолларининг таржимада берилиши.....	55
III Боб бўйича хулосалар	64
Умумий хулосалар	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ходисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримиз мантиқини хайратомуз бир қудрат билан намойиш этган ва эта оладиган бундай бадиият катралари халқимизнинг кўп асрлик қаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Биз ўз тилимиздаги барча ибора, матал, мақол ва хдкматли сўзларни мактаб давриданоқ ўқиб ўрганиб борамиз. Улар барча миллатлар халқ оғзаки ижодида мавжуддир. Республикамиз Президенти И.Каримов мақолларнинг ҳаётимиздаги муҳим аҳамиятига тўхтаб “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида шундай дейди: “Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни баҳраманд этсак, маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятда инсоний фазилатларни камол топтиришда қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”.

Ҳар бир халқнинг мақоллари ўша халқнинг ҳаётий тажрибасини, урф-одатини, руҳиятини ўзида акс эттиради. Биз турли тилларни ўрганар эканмиз, бу жараёнда уларга кўп марта дуч келамиз. Шу сабабдан, халқ мақолларини ўрганиш, тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади. Ишнинг мақсади инглиз ва ўзбек миллий дунё тасвирларини акс этишда мақолларнинг ролини ва уларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда биз ўз олдимизга қуйидаги аниқ *вазифаларни* қўйдик:

- дунё тасвири ва миллий дунё тасвирлари тушунчаларини лингвистик адабиётларда ёритилишини ўрганиб чиқиш;
- паремиологияни фанининг ривожланиш тарихи ва асосий тамойиллари тадқиқ этиш;

- инглиз ва ўзбек мақоллари манбаларининг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил қилиш;
- инглиз ва ўзбек мақолларининг семантик-тематик гуруҳланишининг миллий-маданий хусусиятлари аниқлаш;
- инглиз ва ўзбек мақолларининг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш;
- инглиз ва ўзбек мақолларининг таржимада берилиш хусусиятлари ва уларни таржима қилиш усулларини таҳлил этиш.

Илмий ишнинг объекти инглиз ва ўзбек тилидаги мақоллар бўлса, унинг **предмети** мақолларнинг миллий дунё тасвирини акс этишдаги ўрнини аниқлаш.

Мазкур диссертацияга **методологик** асос бўлиб, лингвомаданиятшунослик, паремиология ва таржимашунослик бўйича етакчи олимлар Н. Д. Арутюнова, Е. С. Кубрякова, В.В. Красных, В. А. Маслова, Д. Б. Гудков, В.Н. Телия, Е. Верещагин, А. Вежбицкая, Г.Л.Пермякова, Т.Л.Евгеньевна, В.И.Даль ҳамда ватанимизнинг етакчи олимлари А.А. Абдуазизов, Ў. Қ. Юсупов, Д.У. Ашурова, Х.Бердиёров, Р.Расулов, Ш.Раҳматуллаев ва бошқаларнинг ишлари хизмат қилди.

Диссертацияда қўлланилган методлар. Мазкур диссертацияда қуйидаги илмий тадқиқот методлари қўлланилди — бевосита кузатиш методи, компонент таҳлил, қиёсий таҳлил методи ва кросс-маданий таҳлил методи қўлланилди. Тил материаллари таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги комплекс методикалар қўлланилди, булар:

Мазкур диссертациянинг **илмий янгилиги** инглиз ва ўзбек тилидаги мақолларнинг миллий дунёни акс этишидаги роли, инглиз ва ўзбек мақоллари манбаларининг миллий-маданий хусусиятлари, мақоллар ифодаловчи маъноларга таъсир қилган лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳамда мақолларни таржима қилишдаги муаммоларнинг тадқиқ этилганидир.

Тадқиқот материали. Тадқиқот учун Oxford Dictionary of English Proverbs, 1970; English Proverbs Explained, 1969; Кунин А.В. Англо-Русский фразеологический словарь, 1967; Даль В.М. Пословицы русского народа, 1957; Жуков В.П. Словарь русских пословиц и поговорок, 1967; Ш.Шомаксудов, Ш.Шорахмедов "Ҳикматнома", 1990; Ўзбек халқ мақоллари, 2005; Karamatova K.M., Karamatov X.S. Proverbs, maqollar, пословицы, 2001, Т. Mirzayev, А. Musoqov, В. Sarimsoqov, O'zbek xalq maqollari, 2003 асарлари материал бўлиб хизмат қилди.

Мазкур диссертациянинг **назарий аҳамияти** шундаки, бунда ҳозирги замон лингвомаданиятшунослик ҳамда лексикологиясининг қатор, жуда долзарб масалаларига, яъни мақолларининг инглиз ва ўзбек миллий дунё тасвирларини акс этишдаги ролини аниқлаш ҳамда мақолларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишда ўрганиш ва илмий ечимлар бериш бу ҳозирги замон тилшунослигининг олға силжишида қатта назарий аҳамиятга эга бўлади.

Мазкур диссертациянинг **амалий аҳамияти** шундаки, бу изланишнинг материали, чиқарилган хулосалар филологик олий ўқув юртларида ўқитиладиган лингвомаданиятшунослик, лексикология, таржима назарияси каби фанларни ўқитишда фойдали бўлиши мумкин.

Тадқиқот апробацияси. Диссертация ЎзДЖТУ Лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси йиғилишида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия қилинган. **Тадқиқот натижалари бўйича 2-та мақола нашр этилган: (ҚАЕРДА?)**

Диссертациянинг тузилиши. Мазкур диссертация кириш, 3 боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАСИНИНГ ИЛМИЙ АДАБИЁТДАГИ ТАЛҚИНИ

1.1. МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИ ВА МАҚОЛЛАР

Гарчи тил ва маданият бир-бирига узвий боғлиқ, бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган ижтимоий ходиса бўлсада, уларнинг биргаликда фан сифатида ривожланиши лингвистиканинг бир қисми сифатида ўрганилиши охири асрларда жадал тус олди. Йигирманчи асрга келиб тил ва маданиятнинг лингвомаданиятшунослик фани доирасида татбиқ этишга катта эҳтиёж пайдо бўлди.

Маданият билан боғлиқ барча масалаларнинг айна кундаги долзарблиги шундаки, сўнгги йилларда жаҳон миқёсида юз берган ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар дунё халқларининг миграциясига, бир жойдан бошқа жойга кўчишига, бир миллат бошқа бир миллат билан чатишишига олиб келди. Ҳозирда илм-фан соҳасида тараққиёгнинг ривожланиши учун мулоқотнинг янги имкониятлари, шакллари ва турлари очилмоқда. Ўзга маданиятларга нисбатан хурмат ва бағрикенглик, ўзаро тушуниш ҳар қандай соҳадаги ҳамкорлик самарадорлигининг энг асосий мезонларидан бўлиб қолмоқда.

Тил ва маданиятнинг боғлиқлиги тўғрисида тилшунос олимларнинг фикрларини изоҳ сифатида келгиришдан аввал, маданият тушунчасига аниқлик киритиш муаммони очиқ беришга ёрдам беради.

Одатда кундалик ҳаётимизда «маданият» деганда тасвирий санъат, мусиқа. меъморчилик ва ҳоказолар тушунилади, лекин бу тушунча тил ва маданиятнинг муносабати, маданиятлараро мулоқот муаммоларини ёритиб беришда ожизлик қилади. Шу сабабли, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Бирмингэм маданиятни қиёсий ўрганиш маркази илмий мактаби томонидан кенг маънодаги маданият тушунчасига таъриф ишлаб

чиқдилар. Уларнинг таснифича, маданият - бу ижтимоий муносабатларда, эътиқодлар тизимида, урф-одатларда, нарсаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ва моддий ҳаётда гавдаланадиган ўзига хос ва аниқ яшаш тарзи, кадр-қиммат ва гоёлар жамланмасидир.

Инсоннинг онги уни тафаккуридаги мавжуд муҳит, шарт-шароитлар, яшаш-тарзи, дунё тўғрисидаги тасаввур асосида бошқаради. Бу тасаввур рамзий воситалар, масалан, тил, удумлар, яшаш усуллари кабилар орқали шаклланади. Ушбу рамзларнинг аҳамияти ва маъносини биладиган, бир-бирини тушуна оладиган бир-бирига мос осон ҳаракатда бўладиган одамлар жамоаси бир маданиятнинг соҳиблари ҳисобланадилар.

Тил ва маданият ўртасидаги детерминизм, яъни ўзаро бир-бирини такозо этиш ҳақиқий “ўзарочилик”дир. Шу сабабли турли мамлакатлар олимлари томонидан тил ва маданият муносабати масаласи турли йўналишларда ўрганилаётганлиги табиийдир. Бу муаммо тилшунослар (Ю.Сорокин, В.Телия, Е.Верещагин, А.Вежбицкая, В.Костомаров, Д.Олфорд, Д.Хаймс кабилар) билан файласуфларнинг (Г.Брутян, Э.Маркарян, ва бошқалар), психологларнинг (Л.Выготский, А.Леонтьев, В.Петренко, П.Гульвисте) эътиборини тортиб келмоқда. Бу масала нутқ маданиятига оид тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллайди. (Ю.Скворцов, Э.Бегматов, А.Маматов, Б.Ўринбоев ва бошқалар). Кейинги йилларда тилшуносликда лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида шакл топиши (А.Красных, В.Маслова, Д.Гудков, Д.Ашурова) бу масаланинг долзарблашишига сабаб бўлмоқда.

Э.Сепир ва Б.Уорфлар ўз фаразларида тил ва маданият уйғунлашувини илгари сурган ҳолда, тил — маданият маҳсули ва шу билан бирга маданиятни шакллантирувчи омил деб талкин этадилар. Зеро, ҳар қандай маданият тилда намоён бўлади, тилда ўзининг моддий қобиғини топиши билан бирга, атроф-муҳит таъсирида тараққиёт қилиб, ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир-биридан дастлабки ўринда воқеликни моддий ва маънавий ўзлаштиришдаги фарқи жиҳатидан

ажралиб туради.

Россиялик филолог Тер-Минасова тилни маданият сақланадиган хазинага киёслайди. Унинг таъбирича тил маданий қадриятларни ўз таркибидаги лексика, грамматика, идиоматикада, маколаларда, халк окзаки ижодида, бадиий ва илмий адабиётларда, колаверса оғзаки ва ёзма нутқда сақлаб келади. Агар тилнинг тузилиши, ифодаланиши ва уни эгаллаш услублари нуктаи-назаридан кузатилса, унда ижтимоий-маданий (социокультур) қатлам ёки маданиятнинг компоненти тилнинг бир қисми ёки унинг борлигининг асоси сифатида намоён бўлади

Тил – бу йирик ижтимоий курулдор, у бир элат микёсида ижтимоий окимларни шакллантиради, бир тилда сўзлашадиган жамоанинг маданияти, анъаналари, ижтимоий онгини ўзида сақлайди ва етказиб беради, бу орқали миллатларни пайдо бўлишига замин яратади. Тилга бир миллатнинг асосий белгиси сифатида мурожат қилганда, уни икки томондан кузатиш мумкин «ичкаридан» ва «ташқаридан». Уни «ичкаридан» бўладиган жараён сифатида кузатганда, тил элатларнинг ўзаро интеграциялашувидаги муҳим факторларидан бири бўлиб чиқади. «ташқаридан» қараганда эса бир элатни бошқа элатлардан фарқловчи белги сифатида кўриш мумкин.

Тил ва маданиятни уйғунликда ўрганиш масаласи долзарблиги, тилшуносликда янги бир лингвистик оқим, яъни лингвомаданиятшунослик фанининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Лингвокультурология бу тилшунослик ва культурологиянинг ўзаро тўқнашуви асосида пайдо бўлган мураккаб илмий фан йўналишидир. У маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади.

В.И. Карасикнинг фикрича “Лингвомаданиятшуносликда тил маданиятнинг таркибий қисми”, жамоа тажрибасининг энг муҳим сақланадиган жойи сифатида ўрганилади” (Карасик, 2004). Лингвомаданиятшунослик фанининг объекти моддий ва маънавий

маданият ҳисобланади. В. В. Красных лингвомаданиятшунослик фанини кўйидагича изохлайди: “Лингвомаданиятшунослик тилда ва нутқда маданиятнинг пайдо бўлиш, акс этиш ва қайд қилиниш томонларини тил тафаккурининг ментал ва лисоний хусусиятларини дунёнинг лисоний тасвирини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда ўрганади.” (Красных, 2001) Лингвомаданиятшунослик “тил-миллат (миллий шахсият)-маданият” учлигида асос топиб, тил ва маданиятнинг ўзаро боғликлигини ва ўзаро таъсирини бириккан ҳолда ўрганади. Шундай қилиб, тилда мустаҳкамланган ва ифода этилган халқ маданиятининг намоён бўлишини тадқиқ қилувчи лингвокультурологияни бугунги кунда тилшуносликнинг мустақил ва жадал ривожланувчи йўналиши деб ҳисоблаш мумкин.

Лингвомаданиятшуносликнинг базавий тушунчаларидан бири бу “дунё тасвири” тушунчасидир. “Дунё тасвири” тушунчаси инсон концептуал аппарати объектив дунёдаги ҳақиқий борлиқни ўзида акс эттиради. Табиийки, дунё тасвири тушунчаси категориал маънога эга бўлиши, маълум тарихий даврдаги инсон билимлари йиғиндиси билан мос келиши, ҳамда фан–техника ва инсон имкониятларининг бепоён ривожланиш йўлида инсоннинг дунёни билиш жараёнларини маълум этап сифатида ўрганиши лозим. Дунё тасвирини нисбатан чегараланган ҳолда тушуниш (яъни айрим инсон, айрим социум, коллектив, синф, халқ ва ҳ.к.) бутуннинг айрим қисми сифатидагина қаралиши мумкин. Дунё тасвири инсон дунёқарашининг ядросини ташкил этиб, унинг турмуш тарзининг асосий ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шу ўринда, тил дунё тасвири билан боғлиқ иккита жараёнда бевосита иштирок этади. Биринчидан, индивид дунё тасвирининг энг чуқур қатламларидан бўлган дунёнинг лисоний тасвири айнан тил доирасида шаклланади. Иккинчидан, тил инсоннинг барча дунё тасвирларини ифодалайди ҳамда тушунишга ёрдам беради.

Тафаккур ифодаси воситаси сифатида тил инсон онгида предметлар, алоқалар ва дунёвий муносабатни англаш қуроли бўлиб хизмат қилиб, у

яратилиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ушбу тил объектни яралиши ва унинг маълум вазифани бажариши, инсоннинг биологик мавжудот сифатида ривожланиши, тил олам ва одам муносабати натижаси бўлиб, унинг когнитив нуқтаи назардан тўлдирилиши эса инсоннинг ўзини ўраб турган оламни фаол ўзлаштириш натижасидир. Тил дунёни англашнинг муҳим воситаларидан бўлганлиги боис тил тўғрисида гапирганда дунёнинг лисоний тасвири тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки ҳозирги кунга келиб дунё тасвири ва дунёнинг лисоний тасвири атамалари орасига тенглик белгисини қўйиш нотўғрилиги кўпчилик тилшунослар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

“Дунёнинг лисоний тасвири” юзасидан кўплаб олимлар томонидан билдирилган турли хил қарашлар мавжуд. Шундай қарашлардан бири рус тилшуноси В.В. Красныхга тегишли бўлиб, у «дунёнинг лисоний тасвири умумий дунё тасвирининг энг чуқур қатламларидан бири бўлиб, у лексика, грамматика ёки паремиологияга муҳрланган дунё тўғрисидаги билимлар йиғиндиси сифатида намоён бўлиши мумкин» деб таърифлайди.¹

Ушбу масалага оид яна бир назария «атрофдаги борлиқ»- «ўша борлиқнинг инсон миясида ўз аксини топиши»- «унинг тилда акс этиши натижаларининг фиксацияси» триадасига асосланган бўлиб, энг сўнгиси, яъни тилда ташқи оламнинг акс этиши дунёнинг лисоний тасвирини ифодалайди. Яна бир нуқтаи назарга кўра дунёнинг лисоний тасвири дейилганда маълум вербал белгиларга ёрдамида шаклланган тушунча, концепт, инсоний билимлар йиғиндиси тушунилади.

Дунёнинг лисоний тасвири тушунчаси нафақат дунё тасвири, балки дунёнинг концептуал тасвири тушунчаси билан ҳам мос келади. Тил борлиқ концептуализацияси жараёнида муҳим рол ўйнайди. Дунёнинг лисоний тасвири дунёнинг концептуал тасвирини юзага чиқаради. Е. Кубрякова таъкидлаганидек “дунёнинг концептуал тасвири лисон

¹ Красных В.В. Основы психолингвистики и теории коммуникации, М, 2001, 64- бет

ёрдамида руёбга чиқади, унинг маълум қисми инсон психикасига бошқа типдаги ментал репрезентациялар - образлар, схемалар, тасвирлар (картинки) орқали муҳрланади.”²

Дунёнинг концептуал тасвири дунёнинг лисоний тасвиридан кенгрок ва бойроқ бўлади; дунёнинг лисоний тасвири қобиғи дунёнинг концептуал тасвирига бўйсунувчи қатлам сифатида тасвирланиб, концептуал тасвир тил таъсирининг турли зоналарини ўз ичига қамраб олади. Энг аввало, бевосита тилнинг шаклланаётган концепт ва тушунчаларга бўлган таъсир зонаси ажратилади. Бир томондан, билим ва маълумотлар гапирувчиларнинг вербал қайта ишлашидан ўтади ва лисоний шаклга айланади. Бошқа томондан, янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ўша пайтгача мавжуд бўлган схемалар ёрдамида содир бўлади, яъни тилда мавжуд бўлган концептларнинг бевосита таъсирига асосланади. Шунинг учун ҳам концептлар, ҳам тушунчалар ифодаланишнинг конвенционал лисоний шаклига эга. Мазкур зонада дунёнинг концептуал тасвири дунёнинг концептуал-лисоний тасвири билан тўлалигича туташади. Лисоний белгиларнинг маълум хусусиятлари умумлашмаси асосида шаклланган абстракциялар восита бўлиб хизмат қилувчи бошқа бир лисоний таъсир зонаси ҳам мавжуд.

Шу тариқа, дунёнинг лисоний тасвири икки- тилнинг дунё концептуал тасвирига бевосита ва билвосита таъсир қилиш зоналари ҳисобига шаклланади. Дунёнинг лисоний ва концептуал тасвирлари вербал этапда чамбарчас боғланади.

Ҳозирги замон тилшунослигида, дунёнинг концептуал ва лисоний тасвири тушунчалари билан биргаликда “миллий дунё тасвири” тушунчаси ҳам кенг қўлланмоқда. Маълумки, дунёдаги барча мамлакатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ўтмиш тарихи, маданий ривожланиши ва

² Кубрякова Е.С. ва б.лар, Краткий словарь когнитивных терминов, Москва, МГУ, 1996, 59- бет

турмуш тарзи жихатдан бир-биридан фарк килади ва ўз миллий дунё тасвирига эга бўлади.

Миллий дунё тасвирини вербаллашувида тил катта роль уйнайди. Зеро, тил – бу маданият воситачиси, унинг тарқатувчисидир. Тил ўзида сақлаб келадиган миллий маданий бойликларни авлоддан авлодга етказди. Она тилларида гапиришни бошлаётган гўдакларда она тили билан биргаликда аجدодларидан қолган умумий маданий тажриба ҳам сингиб боради. Тил – амалий, ҳақиқий онгдир, тил онг сингари бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи муомала қилиш зарурлиги туфайли пайдо бўлади. Тил кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш воситаси ва фикрнинг бевосита ифодасидир. Фикр айрбошлаш эса фақат тил ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Тил тафаккурнинг борлиқ шакли, тафаккур эса тилнинг мазмунидир. Инсонда онгнинг шаклланиб, тилнинг пайдо бўлиши маданиятни илк қадамидир. Тилнинг шаклланиб ўсиб бориши бевосита инсонларнинг маънавий қиёфасининг ривожланишига ўз тасирини кўрсатади. Тил бевосита халқлар ўртасида маданий, маънавий алоқаларнинг ўсиб боришига ёрдам беради. Тил йиллар, асрлар давомида жамиятда рўй берган воқеа ходисаларни ўзида акс эттиради. Аجدодлардан авлодларга маълумот тўплаб, йиғиб, сақлаб етказди.

Тил кишилар ўртасидаги алоқанинг энг муҳим воситаси, фикрни бошқаларга етказувчи қуролдир. Тил миллий маданиятнинг ойнаси, уни сақловчи хазина ҳам. Ҳар бир халқ яшаётган жойининг табиати, у халқнинг иқтисодий тузуми, оғзаки ижодиёти, бадиий адабиёти, санъати, фани, урф-одатини ўзида акс эттириб, тўплаб, авлоддан-авлодга етказиб бериш тилнинг миллий-маданий белгисидир. Тил маданият кўзгусидир. Унда нафақат инсониятни атрофидаги борлик мавжуд дунё, яшаш шарт-шароити ўз аксини топади, балки халқларнинг ўз ўзини англаши, менталитети, миллий характери, яшаш тарзи. анъаналари, урф-одатлари, маънавияти, қадриятлари, дунёпи англаши, дунёкараши намоён бўлади.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, яшаш муҳити, фикр ва мулоҳазаларни қабул қилиб идрок этиши унинг тилида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир халқ яшаётган жойининг табиати, у халқнинг иқтисодий тузуми, оғзаки ижодиёти, бадий адабиёти, санъати, фани, урф-одатини ўзида акс эттириб, тўплаб, авлоддан-авлодга етказиб бериш тилнинг миллий-маданий белгисидир. Миллий-маданий хусусиятлар тилнинг ҳамма қатламларида: лексикасида ҳам, грамматикасида ҳам, хатто фонетикасида ҳам мавжуд. Бироқ миллий-маданий белгилар тилнинг ҳаракатдаги бирликларида жуда аниқ намоён бўлади. Бундай тил бирликлари сўзлар, фраземалар ва паремиялардир ёки мақоллардир.

Миллий дунё тасвирини вербаллашувида паремиологик бирликлар, яъни мақоллар алоҳида аҳамият касб этади, чунки мақоллар миллий характернинг ўзига хос хусусиятларини ўзларида мужассам этадилар. Уларда тимсоллар тизими ўзига хослиги, тарихий шаклланган, маълум тилда сўзлашувчи жамоанинг ўраб турган воқеликни англашдаги кўп асрлик мулоқоти тажрибаси жам бўлган. Инсоннинг кундалик ҳаёти, ижтимоий йўналганлиги, мақол ва ибораларнинг маъно мазмунида акс этади. Инглизлар мақолларни «Proverbs are the wisdom of the streets» деб атасалар, руслар «Пословицы – это народная мудрость» дейишади, биз ўзбеклар эса унга «Мақоллар - халқ ҳикматли сўзлари» дея таъриф берамиз.

Мақоллар тил соҳибларининг мавжуд билими, шахсининг амалий тажрибаси, ўша тилда гапирувчи халқнинг маданий – тарихий анъаналар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз менталитетини қайсидир маънода мақоллар ва ибораларда ифодалайди. Мақоллар инсон ва унинг фаолиятини тавсифлашга қаратилади. Зеро, халқ оғзаки ижоди - миллатнинг тарихий тараққиёти, урф-одат, анъаналари, дунёқараши, маънавий ва маданий камолот даражасини акс эттирадиган манба. Фольклор жанрларидан энг кўп ва фаол қўлланадигани мақол ва маталлар бўлиб, уларда халқ ўтмиши, маданияти, ахлоқий-

хукукий меъёрлари ўз ифодасини топади.

Мақоллар халқнинг ҳаётий тажрибаси натижасида майдонга келади. Улар нутқ жараёнига қадар тилда тайёр ҳолда барқарор бирикма сифатида мавжуд бўлади. Мақоллар ҳақида рус ёзувчиси Л.Н. Толстой “Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқ сиймосини кўраман” – деб ёзади. Дарҳақиқат, дунёда мақоллар ва ҳикматлар дурдонасини яратмаган, уларни асрлар оша кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, сайқал бериб, тили ва дилида сақлаб келмаган бирон бир халқ йўқ. Мақоллар халқларнинг ўзлигини, менталитетини, миллий характерини, урф-одатларини, кадриятларини ифодаловчи восита ҳисобланади.

Инсон мақолларда ўзининг ҳаётга, табиатга, оила ва жамиятга муносабати, ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш хусусиятларини, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашларини, бошқача қилиб айтганда ўзи ва ўзлигини намоён этади. Мақоллар халқнинг ҳаётий муаммолари, меҳнат ва машаққати, муваффақияти ва мағлубиятларини акс этадилар. Мақоллар ва маталлар ҳаёт тарзи, унинг қулайликлари, тарихи, географияси ва бир маданиятга жамланган анъаналарини ва ҳар бир халқнинг ўз миллий дунё тасвирини ва ёрқин намоён этадилар.

1.2. ПАРЕМИОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА

Олимларнинг аниқлашича, ҳар бир киши тилимиздаги 800 га яқин мақол, матал ёки афоризм ҳақида тушунчага эга. Лекин тилнинг паремиологик бойлиги бир неча ўн минглаб паремаларни ўз ичига олади. Кейинги йилларда жаҳон ва рус ва ўзбек тилшунослигида ҳамда лингводидактикасида паремиологик луғат, паремиологик ўқув-луғатлари тузишга катта эътибор берилмоқда.

Фольклоршунос олимлар мақоллар ва маталларни ўрганувчи соҳани паремиология деб аташади. Паремия – юнонча “чуқур маъноли гап, ҳикматли сўз, ибора, мақол, матал” маъносини беради. Паремия барқарорлик ҳодисаси бўлиб, бир бутун мазмунни, семантик бутунликни англатади.

Аввало, парема ва паремиологиянинг тарихига назар ташласак, О.В. Лисина бераётган маълумотга кўра, паремиология XII асрда юзага келган ва ўрганила бошлаган. Грекча *paroimiya* - «ҳикматли сўз, зарбулмасал» маъносини англатиб, ўша пайтларда черковларда бўлиб ўтадиган байрамларда ўз маъносига кўра ишлатилган. Парема айтувчилар алоҳида ҳурматга сазовор шахслар эди, улар махсус таклиф билан бой хонадонларга ва черковларга бориб, байрамларда ҳикматли сўзлар айтганлар. Шунинг учун ҳам халқ паремиялари йиғилган китоб «паремейник» деб аталган. Паремейникпардан уйда фойдаланилмаган. В.И.Даль паремияни «ўқимишлилар сўзи» деб атайди ва парема ўқиладиган кечада ўқимишли, зиёлилар иштирок этишини келтириб ўтади. Паремалар кўпроқ панд-насихат руҳида ёзилган. Қадимда черковларда ишлатилувчи парема сўзи 1970 йилдан бошлаб тилшуносликка «паремиология» термини сифатида кириб келди (1, 33).

Г.Л.Пермякова парема ва паремиологияни Шарқ халқларининг ҳикматли сўзи деб атайди ва фольклоризми билан бирга вужудга келганини, бу термин дидактика билан бир маъно касб этишини айтади (2, 320). Т.Л.Евгеньевна эса паремани мақолга қарши қўяди ва ибора билан мақолнинг ўртаси парема деб кўрсатади. Тилшунос ўз ишида паремаларнинг рус тилидаги моделларини тузиб чиққан (3, 45-49).

Паремага тааллуқли ўзбек тилшуносларининг ишларига назар ташласак, Х.Бердиёров ва Р.Расуловнинг «Ўзбек тилининг паремиологик луғати»ни тузганлиги, Ш.Раҳматуллаевнинг ўзбек фразеологияси, О.Мадаевнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини таъкидламай иложи йўқ (4). Ўзбек тилшунослигида

паремаларни тўплаш, ўрганиш Маҳмуд Кошғарий («Девону луғати турк») ва Гулханий («Зарбулмасал») замонларидан ҳозирги кунгача давом этиб келмоқца.

Паремиология коинот қонуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суяниш асосида чиқарилган хулосаларни ифодаловчи, халқнинг жамиятга муносабати, руҳий ҳолати, этник ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан-авлодга оғзаки шаклда кўчиб юривчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмунли мантикий умумлашмада пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли сўзларни - паремаларни ўрганади.

Паремияларда инсоният тафаккури ва хулқ-атвори ўз ифодасини топади. Шунинг учун паремиялар кейинги йилларда вужудга келган антропоцентрик парадигманинг тадқиқот объекти деб олинган. Антропоцентризм лингвистикада қуйидаги масалалар билан шуғулланади:

- 1) шахс факторларининг тилда намоён бўлиши;
- 2) тилнинг шахс тафаккури ва феъл-атвориға таъсири;
- 3) тил ва жамиятнинг ўзаро таъсири;
- 4) тил ва халқ руҳиятининг ўзаро таъсири;
- 5) миллий менталитет ва халқ ижодининг боғлиқлиги

Паремия фразеологик қатламиш энг бой ва жуда экспрессив намунаси қисобланади. Чунки паремиялар фақатгина мақол ёки ибора хисобланиб қолмасдан, улар ўзида кўчма маъно билан бирг аликда халқ, миллат маданиягини акс эггиради. Демак, паремиялар нафақат тил маҳсули, балки халқ ва бутун бир миллатнинг маданий бойлигининг тилдаги гўзал аксидир.

Мақолларнинг жанр хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Мақолларнинг ҳажми қисқа ва чекланган;
- Мақоллар мазмунан серкўлам ва чуқур маънони ифодалайди;

- Халқ мақоллари шаклан шеърӣ ва насрий бўлади. Аммо насрий мақоллар ҳам шеърӣ мисраларни эслатади. Масалан: Кўза кунда эмас, кунда синади;
- Мақолларда ҳаётӣ воқеа-ҳодиса ҳақида қатъӣ ҳукм ифоланади. Бу ҳукм мусбат ёки манфӣ мазмунда акс этади;
- Мақол шахс ҳаётидаги хусусӣ вазиятни халқ, омма, ҳаёт нуқтаи назардан умумлаштиради;
- Мақол матни тилшуносликда шахси умумлашган гап ҳисобланади.

Халқ оғзаки ижодидаги мақоллар жанри тарихӣ ҳаёт давомида сон ва мазмун жиҳатдан бойиш хусусиятига эга. Яъни мақоллар замон ўтиши билан истеъмолдан чиқиши ва айни пайтда янги-янги намуналари вужудга келиши мумкин.

Мақолларнинг истеъмолдан чиқишида қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- Тарихӣ ҳаётнинг ўзгариши. Ижтимоӣ ҳаётда мақолни қўллаш эҳтиёжининг йўқолиши оқибатида мақол халқ эсидан чиқади;
- Тарихӣ сўзлар иштирокидаги мақоллар вақт ўтиши билан йўқолади;
- Айрим мақоллар оғзаки ижоднинг оғзакилиги белгиси таъсирида йўқолиши ҳам мумкин. Бир авлод қўлламаган мақол ўлимга маҳкум;
- Баъзан мақолнинг бир қисми яшайди, иккинчиси йўқолади.

Юқоридаги сабаблар мақолнинг йўқолишига олиб келади. Айни пайтда мақолларимиз намуналарининг бойиш манбалари ҳам йўқ эмас.

Улар қуйидагилардан иборат:

1) Ижтимоӣ ҳаётдаги ўзгаришлар натижасида янги мақоллар вужудга келади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳикматли сўзини қўллаш оммалашди. Бу мақолсифат жумла Абдулла Авлоний ёзган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳадисидир. Аммо бу ҳикматли сўз халқимиз орасида кўп қўлланмаган. Мустақилликдан сўнг энг оммавий мақолга айланиб кетди;

2) Халқ мақолларининг янги-янги намуналари халқлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши натижасида пайдо бўлди. “Олма оғочидан олисга тушмас” мақоли “Яблоко от яблони далеко не падает”нинг таржимаси. Бугунги кунда бу мақолнинг келиб чиқиши ҳеч кимни деярли қизиқтирмайди;

3) Янги мақолларнинг пайдо бўлиши алломалар, доно адиблар айтган ҳикматли сўзлар билан боғлиқ бўлади. Тарихда биз Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий ижоди билан танишар эканмиз, афоризм деб аталмиш муаллифи аниқ доно ва ҳикматли сўзларга дуч келамиз. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур” каби мисоллар шулар жумласидандир.

Халқ мақоллари шакл ва мазмун жиҳатдан маталларга яқин жанр ҳисобланади. Маталлар ҳам ихчам матнга эга эканлиги билан мақолга ўхшайди. Матал, одатда, нотик нутқи таркибий қисмини ташкил этади, аммо мустақил қўлланганда тугал фикр англатмайди. Масалан, халқимизда “Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан қилич қинидан чиқар” деган мақол бор. Агар мақолнинг ярим матнини “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” тарзида қўлласак, биз матал айтган бўламиз ва “Фалончи яхши гапирди” маъносини билдирамиз. Чунки “илон инидан чиқадиган” сўз бирикмаси алоҳида айтилса, мустақил маъно англатмайди. Маълум бўладики, матал шахс нутқини гўзаллаштириш учун хизмат қилар экан, холос. Мақол эса маталдан мустақил маъно ифодалай олиш хусусияти билан фарқланади.

Шундай қилиб, тил тадқиқининг ҳозирги босқичида кўпгина олимлар мақол, матал ва афоризмларни ўрганувчи паремиологияни тилшуносликнинг алоҳида бир мустақил соҳаси сифатида эътироф этишмоқда. Мақоллар ҳали ёзув пайдо бўлмасдан олдин халқ оғзаки ижодига муҳрланган ва жамият онгининг бир қисмига айланган. Ёзув пайдо бўлгандан сўнггина, у маданий ёдгорликларда ўз аксини топа бошлаган. Шундай мақолларнинг баъзилари тарихий ривожланиш

жараёнида ўзларининг келиб чиққан манбалари ҳақидаги маълумотларни йўқотган, баъзилари эса халқ оғзаки ижодининг намунаси ҳисобланган ва муаллифлари номаълум эди. Энг қадимги мақоллар намунаси Европада Аристотелга тегишли бўлиб (эр.авв IV- III асрлар), улар антик даврдаги шоир ва файласуфларнинг ҳикматли иборалари эди. Шунингдек, “Птахотеп конунлари” номли қадимги миср панд насиҳатлар (максима) тўплами (эр. авв. XXV аср) (1, 9), файласуфона ғояларни ифода этувчи ва ахлоқ-одоб нормаларига бағишланган қадимги Ҳинд ва Хитойдаги тўпламлар маълум ва машхурдир.

X-XI асрларда Англияда диний қарашларни ривожланиши натижасида дидактик асарларга бўлган эҳтиёжни ошириб борди ва бу даврда бир қанча панд насиҳат мазмунидаги асарлар вужудга келди. Шундай асарлардан бири, энг қадимги инглиз мақол маталларининг ёзма тўплами ҳисобланган “Proverbs of Alfred” эди (2, 912). У 1150 - 80 йилларда ёзилган ва у ўзида диний, одоб- ахлоқга доир йўл йўриқ ва кўрсатмаларни мужассамлаштирган. Юқорида кўрсатилган тўплам ва “The book of proverb” тўплами олдинроқ пайдо бўлган “Proverbs of Solomon which the raen of Hezekiah king of Judah copied”(ар.аВВ 700 йиллар), ”Wisdom of Amenemope” (эр. авв.X-VI асрлар) асарлари асосида пайдо бўлган (3, 749). Англияда мақол ва адабиётга бўлган қизиқиш ўрта инглиз даврида (XVI-XVII асрлар) яъни “мақол тарзидаги ҳикматли ибораларнинг олтин даври”да янада ортди (4, 113). Турли хил ёзувсиз шевалардан фойдаланиб келаётган инглиз жамияти бу даврга келиб, китоб босиш сирини билиб олди. Кўп йиллар мобайнида жамланиб келган донишмандлик расмий равишда панд насиҳат мақомии олди ва халқ бошқарувининг дидактик қуролига айланди, мақоллар эса адабий жанр сифатида тан олинди ва турли асарларда ўз аксини топа бошлади. Кўпроқ бу даврда мақоллардан черков ходимлари фойдаланар эди. Улар мақоллардан фойдаланишни маъқуллабгина қолмасдан, балки ўзлари ҳам Библия ва “файласуфларнинг мақоллар тўплами”дан олинган цитаталардан мунтазам равишда ибодат

пайтида фойдаланишар эдилар. XIII-XV асрларда мақоллар тарғибот пайтида беғам, бепарво католикларни кўрқитиш воситаси бўлиб хизмат қилган ва улар одатда барча учун тушунарли бўлган оддий халқ тилида жарангларди. Масалан: “*Don't cast your pearls before swine*” - ахмоққа гап ўқтирмақ эшакнинг қулоғига танбур чертмоқ; “*A house divided against itself can't stand*” - Бўлинганни айиқ ер, айрилганни бўри ер (5, 8-11). Кейинроқ бундай ҳикматли ибораларни йиғиб, тўплам сифатида чоп этишга қарор қилинди. Мақолларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш уларни турли мақсадлар йўлида кенг кўламда фойдаланиш уларни илмий жиҳатдан ўрганишни талаб қилар эди. Мақолларни қисқа ва лўндалиги, ёдлаб қолиш учун осонлиги ва бошқаларга таъсир ўтказа олганлиги учун олимлар ва нотикдар ўзларининг чиқишларида улардан унумли фойдаланишар эдилар. Ушбу даврда Англияда мақолларни ўрганишда аниқ бир мақсадга йўналтирилган илмий ўрганиш йўқлиги сабабли, олимлар уларни сонини ва уларни келиб чиқиш манбаларини аниқлаш билангина чегараланишарди. XV-XVI асрга келиб Англияда 12000 яқин мақол ва мақол тарзидаги иборалар бор эди ва улар мунтазам равишда халқ тарафидан оғзаки ва ёзма нутқда қўлланар эди. XV асрга келиб Англияда мавжуд ҳикматли иборалардан тўплам яратиш анъанаси мавжуд бўлиб, улар ҳаттоки лотин тилидаги таржимаси билан берилар эди. Уша даврнинг диққатга сазовор тўпламларидан бири Эрасмуснинг “Маталлар” номли иши ҳисобланади. У ўз ичига лотин ва грек муалифларининг 4251 та ҳикматли ибораларини олган бўлиб, 1500-1536 йиллар мобайнида бир неча бор чоп этилган. Ундан сўнг Англияда ҳикматли ибораларнинг ўз ичига олган бир қанча тўпламлар пайдо бўлди. Улар компилятив характерга эга бўлиб, ундаги мақол ва маталлар Эрасмуснинг ишларидан олинган. Эрасмуснинг ишларининг ўз ичига олган қизиқарли тўпламлардан бири Томас Барлетнинг “*Dicta Spientum*”(1527) тўплами ҳисобланади. Бу даврга келиб, Эрасмуснинг ишлари асосида пайдо бўлган тўпламлар анчагинани ташкил этар эди. Жумладан, Ричард

Тавернер(1539), Николас Удал(1540), Уильям Балдавининг “Ахлоқий фалсафанинг трактати” (1747), Бартоломео Робертсон (1621), Жон Кларкнинг “Paremiologia Anglo-Еайпа” номли тўплами Эрасмуснинг ишлари асосида пайдо бўлган. Бу давргача бўлган барча тўпламлар нафақат мақол, маталларни иборат бўлибгина қолмай, балки ўз ичига қадимги мутафаккирларнинг мулаҳазаларини (афоризмлар), Библиядан олинган цитаталарни ҳам оларди. Бу даврга келиб, инглиз мақолларини тўплаш маълум тартибга тушиб қолган эди. Шундай тўпламлар сирасига Жон Хейвуднинг “The dialogue of proverbs”(1546) киради. Ушбу тўпламга 1267 мақол ва мақолсимон иборалар кирди. 1659 йил Жеймс Хоуэлл “ПАРОИМИОГРАФИЯ, Proverbs or Sayed Saws” номли мақоллар тўпламини нашр эттирди (6, 7). Кейинчалик 1670 йилда Жон Рей “A collection of English proverbs”, 1855 йил Боннинг “Мақоллар китоби”, 1870 йилда Хацлитганинг “Инглиз мақол ва мақолсимон иборалари” номли тўпламлари чикди (7, 13). XX асрга келиб паремиологик бирликларни назарий жиҳатдан ўрганиш бошланди, улар устида лингвистик тадқиқотлар олиб борилди бошлади, яъни олимлар паремиологик бирликларни библиографик тўпламлар яратиш, янги материаллар йиғиш ва уни олдингиси билан солиштириш, уларни структураси, пайдо бўлиш тарихи, эволюцияси ва уларни халқ менталитети билан боғлиқлик тарафларини ўрганиш бошлади (А.Тайлор, М. Wolfgang, G. Milner, А. Кгарре). 20 аср охирларига келиб паремиологик бирликларни ўрганиш янада кучайди ва ҳозирга келиб кўплаб мукамал инглиз мақол ва маталлар тўплами мавжуд. Масалан, С.Буртон (1948), У. Смит (1970) ва В. Коллинзларнинг (1974) луғатлари шулар жумласидандир.

О. Мадаевнинг маълумотига қараганида, бу жиҳатдан қараганда, ўзбек фольклоршунослигидаги дастлабки ҳаракат XI асрга тааллуқлидир. XI асрда Маҳмуд Кошғарий “Девону луғоти-т-турк” асарига (1074) мақоллар, кўшиқлар, ривоят, афсона ва бошқа жанрга мансуб намуналарни киритди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дала шароитида олим ёзиб

олган ижод дурдоналарида бевосита бизнинг аجدодларимиз ҳам иштирок этган. Махмуд Кошғарий оталар сўзини эсламоқ маъносида, аввалроқ айтганимиздек, “сав” атамасини келтиради. Кейинчалик Алишер Навоий мақолдан мисол келтиради ва “масал” атамасидан фойдаланади. Филология фанлари доктори, профессор Х.Г.Кўр-ўғли Сафавийлар даври (XV-XVI аср)да туркий мақоллар тўплангани, аммо бу мажмуанинг йўқолгани ҳақида маълумот берган. Ўзбек халқ мақолларига муайян бир тартиб бериб, мажмуа ва хрестоматияларга киритиш, улардан махсус тўплам тузиш ишлари эса XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Масалан, венгер олими Хю Вамбернинг 1867-йилда Лейпцигда нашр этилган “Чигатой тили дарслиги” хрестоматия-луғатида ўзбек фольклори ва адабиёти ни н г айрим намуналари қаторид 112та мақол киритилган бўлиб, уларнинг немис тилига таржимаси ҳам келтирилган.

Ўзбек тилидаги ҳикматли сўзлар тўпламини 1923 йилда “Ўзбекча оталар сўзи” (тўпловчи ва тузувчи Мулло Бекжон Раҳмон ўғли) деб номлашган бўлсалар, 1926 йилда “Ўзбек мақоллари” (тўпловчи ва тузувчи Шерали Рўзи) деб аташди. Шу пайтдан “мақол” атамаси жанр сифатида кенг ўрин олди, дейиш мумкин. Шундан кейин Б.Каримов, Ш.Ризо, Ў.Азимов, Ў.Холматов, Ҳ.Зариф, М.Афзалов, С.Иброҳимов, С.Худойбергенов, Р.Жуманиёзов, М.Аҳмадбоева, Э.Сиддиқов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Ғ.Жаҳонгиров, С.Қосимов, З.Хусаинова, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев каби ўнлаб олим ва зиёлилар халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишда фаол иштирок этдилар. Айниқса, 1987, 1988 йилларда икки жилдан иборат “Ўзбек халқ мақоллари” китобларининг нашр этирилишини бу соҳадаги алоҳида воқеа сифатида таъкидлаш мумкин.

Хулоса урнида, шуни таъкидлаш лозимки, мақоллар асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган мақоллар халқимизнинг дунёқараши, жамиятга бўлган муносабати, ахлоқий нормаси, тарихни ва рухий ҳолатни ифодалайди. Улар ўзининг тузилиши жиҳатидан қисқа, лўнда, пухта

мантиқли, фикран тугалланмаган ва сиқик ишланган бўлади. Мақоллар кишининг онгини ўстиради, уларни тўғри, ростгўй, меҳнатсевар, мард, саботли ва матонатли бўлишга ўргатади, кишидаги яхши инсоний фазилатларни тарғиб этади. Фикрни қисқа, аниқ ифодалашга ўргатади. Ёзувчи, шоирнинг асарларини бадиий жиҳатдан таъсирли қилади. Турмушнинг ҳамма соҳасида, меҳнат жараёнида, жонли суҳбатда, ёзма адабиётимизда мақол ва ҳикматли иборалар жуда кўп ишлатилади. Айтмоқчи бўлган фикрлар образли қилиб ифодаланилади. Уларда бутун-бутун китоблар мазмунига тенг келадиган фикр ва сезгилар мавжуд бўлади.

1 - БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Тил ва маданиятни уйғунликда ўрганиш масаласи долзарблиги, тилшуносликда янги бир лингвистик оқим, яъни лингвомаданиятшунослик фанининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Лингвокультурология бу тилшунослик ва культурологиянинг ўзаро тўқнашуви асосида пайдо бўлган мураккаб илмий фан йўналишидир. У маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади.

Лингвомаданиятшуносликнинг базавий тушунчаларидан бири бу “дунё тасвири” тушунчасидир. “Дунё тасвири” тушунчаси инсон концептуал аппарати объектив дунёдаги ҳақиқий борлиқни ўзида акс эттиради. Дунё тасвири инсон дунёқарашининг ядросини ташкил этиб, унинг турмуш тарзининг асосий ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради. Тафаккур ифодаси воситаси сифатида тил инсон онгида предметлар, алоқалар ва дунёвий муносабатни англаш қуроли бўлиб хизмат қилиб, у яратилиш объекти бўлиб ҳисобланади. Тил дунёни англашнинг муҳим воситаларидан бўлганлиги боис тил тўғрисида гапирганда дунёнинг лисоний тасвири тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим.

Чунки ҳозирги кунга келиб дунё тасвири ва дунёнинг лисоний тасвири атамалари орасига тенглик белгисини қўйиш нотўғрилиги кўпчилик тилшунослар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Ҳозирги замон тилшунослигида, дунёнинг концептуал ва лисоний тасвири тушунчалари билан биргаликда “миллий дунё тасвири” тушунчаси ҳам кенг қўлланмоқда. Миллий дунё тасвирини вербаллашувида тил катта роль уйнайди. Зеро, тил - бу маданият воситачиси, унинг тарқатувчисидир. Тил ўзида сақлаб келадиган миллий маданий бойликларни авлоддан авлодга етказди. Тил - амалий, ҳақиқий онгдир, тил онг сингари бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи муомала қилиш зарурлиги туфайли пайдо бўлади. Тил кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш

Миллий дунё тасвирини вербаллашувида паремиологик бирликлар, яъни мақоллар алоҳида аҳамият касб этади, чунки мақоллар миллий характернинг ўзига хос хусусиятларини ўзларида мужассам этадилар. Мақоллар тил соҳибларининг мавжуд билими, шахснинг амалий тажрибаси, ўша тилда гапирувчи халқнинг маданий – тарихий анъаналар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз менталитетини қайсидир маънода мақоллар ва ибораларда ифодалайди, улар миллатнинг тарихий тараққиёти, урф-одат, анъаналари, дунёқараши, маънавий ва маданий камолот даражасини акс эттирадиган манба.

Паремияларда инсоният тафаккури ва хулқ-атвори ўз ифодасини топади. Шунинг учун паремиялар кейинги йилларда вужудга келган антропоцентрик парадигманинг тадқиқот объекти деб олинган. Антропоцентризм лингвистикада қуйидаги масалалар билан шуғулланади:

- шахс факторларининг тилда намоён бўлиши;
- тилнинг шахс тафаккури ва феъл-атворига таъсири;
- тил ва жамиятнинг ўзаро таъсири;
- тил ва халқ руҳиятининг ўзаро таъсири;
- миллий менталитет ва халқ ижодининг боғлиқлиги.

II БОБ. ТИЛДА МИЛЛИЙЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Инглиз ва ўзбек мақолларининг манбаларининг миллий-маданий хусусиятлари

Мақол, мақол сифатида шаклланиши учун, у оддий халқ томонидан қабул қилиниши керак. Ассимиляция жараёнида кўплаб мақолларнинг келиб чиқиш манбалари батамом унутилади. Шунга қарамасдан биз ушбу ишимизда уларнинг келиб чиқишини тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Таҳлил натижасида, биз мақолларнинг қўйидаги манбаларини аниқладик.

1. Кундалик маиший ҳаёт

Халқ мақолларининг мазмун кўлами инсон ҳаётининг турли соҳаларини қамрайди. Инсон ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг чеки йўқ экан, мақоллар мазмуни чегарасини ҳам ўлчаб бўлмайди. Маиший ҳаётдаги кичик бир эътиборга арзимайдигандек кўринувчи лавҳадан тортиб чуқур фалсафий мушоҳада ифодасигача мақоллар мазмунида ўз аксини топган. Агар “*Уйга палос ярашур, хотинга либос*” мақоли маиший ҳаётга тааллуқли бўлса, “*Ёзда миянг қайнаса, қишда қозонинг қайнар*” мақолида вақтни бекор ўтказмаслик, ақл билан иш кўриш инсонга ҳаёт имконини яратиши қайд этилади, “*Вақтинг кетди – бахтинг кетди*” мақолида эса фалсафий мазмун ифодаланган бўлиб, инсон тақдирида Вақт тушунчасининг қанчалар муҳим эканлиги таъкидланган.

Мақоллар одамзотнинг кундалик ҳаётида бошидан ўтказган тажрибаси натижасида пайдо бўлади. Улар одамларнинг оддий кузатишларини, хис-туйғуларини ифодалайдилар. Кўплаб мақоллар деҳқонлар, овчилар, чорвадорлар, ишчилар, ошпазлар томонидан яратилиб, уларнинг кундалик кўзатишлари натижасида пайдо бўлган. Масалан:

“*Living without the aim is like sailing without a compass*” мақолини

денгизчилар;

“If you run after two hares, you will catch neither” мақолини овчилар

“April rains for corn, May, for grass” мақолини дехқонлар

“Too many cooks spoil the broth” мақолини ошпазлар биринчи маротаба ишлатган.

Ушбу иборалар бир вақтлар маълум бир гуруҳ томонидан ишлатилган, аммо кейинчалик катта омма томонидан қабул қилиниб тил системасига кирганлар ва турли вазиятларда ишлатилганлар.

Баъзи мақоллар урф одатлар билан боғлиқ. Масалан: *Good wine needs no bush.*

Ушбу мақол қадимги инглиз урф одатини ўзида акс эттиради. Ўтмишда, Англияда яшовчи шароб (вино) сотувчилари белги сифатида уйларнинг дарвозасига узум новдаларини осийшган. Аммо баъзи сотувчиларнинг виноси шундай машҳур бўлганки, улар бундай белшига муҳтож бўлишмаган, одамлар уларнинг уйини ҳеч қандай белгисиз топиб келишган.

Баъзи мақоллар одамларнинг турли хил қарашлари ва ишончлари натижасида пайдо бўлган. Масалан, инглиз лингвомаданиятида тузни тукиб юбориш бахтсизлик ва омадсизлик белгиси ҳисобланади. Тузни тукиб юборган киши бахтсизлик ва омадсизликнинг олдини олиш учун уни чап елкасидан отган. Бунинг натижасида *Help me to salt and you help me to sorrow* мақоли пайдо бўлган.

Баъзи мақолларда гендер хусусиятлари акс этади. Маълумки, аёллар эркакларга нисбатан паст ҳисобланган. Бунинг натижасида ҳам инглиз, ҳам ўзбек лингвомаданиятида кўплаб аёлларни камситадиган мақоллар вужудга келган:

Three women and a goose make a market;

Long hair and short wit;

The more women look in their glass, the less they look to their house.

Аёлни сочи узун, ақли калта

Ёмон хотин эрига дўзах қилар

Шу билан бирга, ўзбек лингвомаданиятида аёлларга нисбатан катта хурмат ва эҳтиромни ифодаловчи бир қатор мақоллар бор. Масалан:

Аёл ердан чиққан эмас - эркак боласи,

эркак кўкдан тушган эмас - аёл боласи;

Аёлларни ишини чумчуқ чўқиб тугата олмас;

Аёлнинг сариштаси, рўзгорнинг фариштаси.

Юқоридаги паремияларда халқнинг кўп асрлик фалсафий мушоҳадасини кўриш мумкин. Унда аёлларнинг ҳам жамиятдаги ўрни эркакларникидан кам эмаслиги, аёлларнинг меҳнатсеварлиги айтилади. Оилада онанинг дунёқараши фарзанд тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан жамиятнинг илғор фикрли инсонлар аёлга, унинг саломатлигига, билим олишига ижобий муносабатда бўлишган.

Кўплаб мақоллар, кундалик меҳнат соҳаларида вужудга келган.

ингл: *No pleasure without pain.*

Many hands make light work.

Make hay while the sun shines

Who would search for pearls must dive below, he who wouldn't work neither should he eat.

Another day, another dollar.

Honey is sweet, but the bee stings.

ўзб: *Азоб кўрмай роҳат йўқ*

Кўллашиб кўтарган юк енгил

Бол бор ерд ари бор

Нон ейшини истасанг, ўтин ташишдан эринма

Меҳнатга таалуқли мақолларнинг кўпчилиги синонимик қатор ташкил этиб, барча тилларда мавжуд. Масалан:

Eng.: *Strike while the iron is hot;*

рус: *Куй железо пока горячо;*

ўзб.: *Темирни қизигида бос.*

Барча тилларда “*hot iron*” образи ишлатилган. Ушбу мақоллар ҳар бир нарсани вақтида кечикмасдан қилиш деган маънони ифода этади, шу билан бирга темирчилик соҳаси барча лингвомаданиятларда тарихий катта ўрин эгаллаганидан далолат қилади.

2. Диний китоблар, диний маросимлар ва тушунчалар

Инглиззабон лингвомаданиятида мавжуд бўлган кўплаб мақоллар христиан динининг муқаддас китоби бўлган Библиядан келиб чиққан. Библия халқ ҳаётида катта ўрин эгаллаб, унинг барча ҳаёт соҳаларига таъсир қилган. Шу сабабли ундаги иборалар, панд-насихатлар халқ ҳаётига мақоллар сифатида кириб келган ва ушбу халқнинг дини ва диний қарашларини акс этадилар.

Every man must carry his own cross

Бу мақол Библиядаги қўйидаги матн бўлагидан олинган: 'As the soldiers went out, they came upon a man from Cyrene named Simon; they compelled this man to carry Jesus' cross. And when they came to a place called Golgotha (which means Place of a skull), they offered Jesus wine to drink, mixed with gall; but when he tasted it, he would not drink it. And when they had crucified him, they divided his clothes among themselves by casting lots; then they sat down there and kept watching over him. Over his head they put the charge against, which read, 'This is Jesus, the king of the Jews.' [Matthew, 27:32].

Ушбу матндан, хоч азоб-ўқубат симболи, белгиси эканлигини тушуниб олишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам, ушбу мақол “*ҳар бир одамнинг ўзига яраша тақдири бор ва у ҳаёт давомида ўз қийинчиликларини ўзи ечиши керак*” деган маъно ифодаланган.

One doesn't live only by bread.

Бу мақол ҳам Библияда келтирилган қўйидаги матндан олинган: 'Remember the long way that the Lord your God has led you these forty years in the wilderness, in order to humble you, testing you to know what was in your heart, whether or not you would keep his commandments. He humbled you by letting you hunger, then by feeding you with Manna, with which neither you

nor your ancestors were acquainted, in order to make you understand that one does not live by bread alone, but by every word that comes from the mouth of the Lord. '[Deuteronomy, 8:3].

Бу мақолда инсоннинг бахти нафақат моддий бойликга эмас, балки унинг маънавий ва маданий бойлигига ҳам боғлиқлиги ўқтирилади, чунки инсоннинг хайвонлардан фарқ қилувчи омил – бу маънавият, маърифат ва маданиятдир.

Библиядан келиб чиққан кўплаб мақоллар христиан дининг асосларини ифода этадилар.

Let not thy left hand know what thy right hand doeth

Библияга асосан, барча одамлар бир бирига нисбатан ака ука, опа сингилдирлар, шунинг учун ҳар бир инсон бошқаларга худди ўз акаси ёки сингисига бўлган муносабатда бўлишлари ва мавриди келганда уларга ёрдам қўлини чузиш керак деган ғоя олға сўрилади. Шу билан бирга, инсон қилган ёрдамини эсламаслиги ва миннат қилмаслиги керак дейилади. Мақолда ушбу фикр “чап қўл унғ қўл қилган ишини билмасин” образи орқали ифодаланади.

Ўзбек лингвомаданиятида ҳам ислом дининг муқаддас китоби Қуръон билан боғлиқ бўлган мақоллар мавжуд. Ислом дини билан боғлиқ қуйидаги мақолларни мисол сифатида келтириш мумкин:

Сув ёғида таяммум;

Сулаймон ўлганида девлар қутилди;

Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми.

Мол молга етгунча, Азроил жонга етар

Одам тузар, тақдир бузар

Банданинг боши – оллонинг тоши

Одам тузар, тақдир бузар

Шуни айтиб утиш лозимки, Библиядан келиб чиққан мақоллар одатда Библиядан цитата сифатида ўзлаштирилганлар, аммо ўзбек мақоллар одатда ислом дини, унинг ақидалари ва Қуръонда зикр этилган

образлар билан боғлиқ бўлиб, Қуръондан сўзма-сўз ўзлаштирилмайди. Ушбу ҳолат экстралингвистик фактор бўлиб, Қуръоннинг ўзбек тилига фақат XX асрда таржима қилинганлиги билан тушунтирилади.

3. Ўзлаштирмалар

а) бошқа тиллардан ўзлаштирилган мақоллар:

Кўплаб инглиз мақоллари лотин, грек, француз тилларидан кириб келган ва тарихий ходисалар билан боғлиқ. Француз тилидан ўзлаштирилган мақолларни кўриб чиқамиз. Маълумки, франциялик Нормандия герцоги Вильям инглиз қироли Харольдни забт этиб. Англияга кўп йиллар давомида қироллик қилган. Ушбу ҳолат Англия ва Франция давлатлари орасидаги маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келган. Англияга француз маданияти, тили ва архитектураси кенг кўламда ишлатила бошланган. Французлар кўп йиллар давомида Англияни бошқарган ва француз тилини давлат тили сифатида ўрнатишган. Англия кейинчалик мустақилликни қўлга киритганига қарамадан, кўплаб французча сўзлар, иборалар ва мақоллар инглиз тили системасида инглиз мақоллари сифатида кирган:

Don't put the cart before the horse;

Venture a small fish to catch a great one;

If the lion's skin cannot, the fox's shall.

Инглиз мақолларининг катта қисми лотин тилидан ўзлаштирилган. Христиан дининг лотин тили орқали кириб келганлиги, Ренессанс даврининг таъсири остида инглиз тилига кўплаб лотинча сўзлар, иборалар ва шу қаторда мақоллар ҳам кириб келган:

Fortune favors the brave;

He who says what he likes, shall hear what he does not like;

I fear the Greeks, even when bringing gifts;

There is no rule without an exception

Шуни таъкидлаш лозимки, баъзи мақоллар инглиз тилига ўз асл ҳолатида қолган:

<i>Cherchez la femme</i>	французча
<i>Honi soit qui mal</i>	
<i>In vino veritas</i>	лотинча
<i>Caveat emptor</i>	

Бу ҳолат ҳам экстралингвистик факторлар натижасидир. Маълумки, Британия узоқ давр давомида Рим империясининг бир қисми бўлган ва Рим маданияти Британияга катта таъсир кўрсатган. Бунинг натижасида, инглиз тилида кўплаб Рим ва римликлар билан боғлиқ бўлган мақолларнинг вужудга келишига сабаб бўлган:

When at Rome do as Romans do;

All roads lead to Rome;

Rome was not built in a day.

Ўзбек лингвомаданиятига ҳам бошқа тиллардан кириб келган мақоллар мавжуд. Масалан, ўзбек халқи кўп асрлар давомида тожик халқи билан ёнма-ён яшган, яқин маданиятлараро мулоқот олиб борган. Бунинг натижасида, ўзбек тилига бир қатор тожик мақоллари ўзлаштирилган:

Аввал таом, баъдаз калом;

Девор мус дорад, мус гус дорад;

Дил ба ёру, даст ба кор.

б) Рим ва грек мифологиясидан ўзлаштирилган мақоллар

Ғарб мамлакатлари узоқ асрлар давомида, айниқса Ўйғаниш даврида грек ва рим мифологиясидан илҳом олганлар. Грек ва рим мифологияси ғарб мамлакатлари орасида кенг тарқалган бўлиб, кенг оммага маълум. Грек ва рим мифологияси образлари, қаҳрамонлари халқ ижодиётининг ва ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ишлатилади. Мифологиядан кўплаб мақоллар кириб келган:

The Devil too has Achilles' heel

Маълумки, Ахиллес грек мифологиясининг қаҳрамони. Уни грек маъбудаси дунёга келтирганида, ўғлини муқаддас Стикс дарёси сувига ботириб олган. Бунинг натижасида, Ахиллеснинг танаси ҳар қандай

жароҳатга бардош қиладиган мустаҳкам бўлган. У гўдак Ахиллесни тўпиғидан ушлаб ботирган, шунинг учун ҳам Ахиллеснинг тўпиғи энг заиф жойи бўлиб қолган. Ушбу мақолда, шайтоннинг ҳам заиф жойи бор деган маънони ифодалайди.

Not even Hercules could contend against two

Маълумки, грек маъбуди Зевснинг ўғли Геркулес рим мифологиясининг қаҳрамони. У жуда ўлкан куч соҳиби бўлганлиги сабабли 12 қаҳрамонлик қилган. Ўлкан куч эгаси бўлишига қарамасдан, у кўпчилик бўлиб унга қарши чиқган душманлари устидан ғалаба қозона олмаган. Шунинг учун, мақолда инсон қанчалик кучли бўлмасин, икки кўпчиликка бас кела олмайди деган фалсафий ғоя ифодаланган.

4. Адабий асарлардан кириб келган мақоллар

Инглиз лингвомаданиятида қўлланувчи кўплаб мақоллар машхур адабий асарлардан кириб келган. Бу уринда, инглиз адабиётининг ёрқин намояндаси Шекспирнинг асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Шекспир ўз асарлари билан нафақат инглиз адабиётининг, балки инглиз тилининг ҳам шаклланиши ва ривожига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшди. Унинг пьеса ва шеърӣ асарларида қўлланилган кўплаб сўз ва иборалар ўта оммалашиб инглиз халқи кундалик нутқининг бир қисмига айланган. Миллионлаб инсонлар бу сўз ва ибораларни Шекспир яратганлигидан беҳабар ҳолда уларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллашади. Шекспирнинг шоир сифатида даҳолиги шундаки, у айтмоқчи бўлган фикрини лўнда ва жозибадор тарзда ифодалайди. Маълумки, Шекспир томонидан яратилиб, инглиз тилига ўрнашиб қолган иборалар шекспиризмлар деб аталади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда шекспиризмлар сони юзтадан ошади. Кўплаб шекспиризмлар шунчалик кенг тарқалганки, луғатшунос Э. Патриж улардан 62тасини ўзининг клишелар луғатига киритган. Ана шундай шекспиризмларнинг энг кўп учрайдиганларидан баъзиларини кўрсатиб ўтамыз:

All is not gold that glitters.

Мақол шекспирнинг” Венеция савдогарлари” асаридан олинган. Мақол ҳар бир ялтроқ нарса олтин бўлавермайди деган маънони ифодалайди. У бизга, ташқи кўриниш кўп ҳолатларда алдамчи бўлишини, шунинг учун ташқи кўринишга алданмасликни, балки ҳар бир нарсанинг ички моғиятига кўпроқ эътибор беришимиз даркорлигини ўқтиради.

Patience perforce is medicine for a mad dog

Мақол Шекспирнинг “Антоний ва Клеопатра” асаридан олинган. Мақолда ҳар нарсага чидамайдиган, сабрсиз инсон охирида кутуриб кетади деган маъно ифодаланган.

Кўйидаги мақоллар ҳам Шекспир асарларидан олинган:

Brevity is the soul of wit;

Sweet are the uses of adversity;

Cowards die many times before their deaths.

better a witty fool than a foolish wit

A rose by any other name would smell as sweet

Инглиз мақолларининг яна бир кенг тарқалган манбаларидан бири – бу Эзоп ривоятларидир. Маълумки, Эзоп машҳур қадимги грек ривоятчисидир. Унинг ҳикоялари кўлгули, лўнда ва ихчам шаклда ёзилган, шу билан бирга улар оддий халқ учун ўта тушунарлидир. Бу ҳолат уларнинг ҳозиргача ҳаётнинг турли ҳолатларида қўлланишига сабабдир.

The grapes are sour

Бу мақол Эзопнинг қўидаги ривоятдан келиб чиқган. Бир куни, оч тулки узум дарахтида кўплаб узум осилиб турганини кўради. У уларни узиб олиш учун қўлидан келганини қилади, аммо эплай олмайди. Очлигини кучайган сари, жаҳли ҳам чиқаверади. Охири у таслим бўлади ва ўзини овутиш учун “улар барибир аччиқ” дейди. Ҳозирги вақтда, мақол инсон қанча ҳаракат қилмасин, леки уддасидан чиқмаган нарсани уша нарсанинг қадри тушганлигини ифодалаш учун ишлатилади.

A barleycorn is better than a diamond to a cock

Бу мақол кўйидаги ривоятдан олинган. Оч ошпаз овқат кидираётганда, олмос топиб олади. Ошпаз олмосга қараб шундай дейди: “Сени яхши кўрадиган инсон учун сен бебаҳосан, лекин менинг назаримда сен ҳеч қандай қимматга эга эмассан, чунки ҳеч қандай қиммат нарса ўнга тенг бўла олмайди”.

Шекспирдан ташқари бошқа инглиз ёзувчилари ҳам инглиз тилини мақоллар билан бойитганлар. Булар жумласига Э. Спенсер, А. Поуп, Ж. Милтон, Ж. Чоусер, Ж. Байрон, Ж. Свифт, Ч. Диккенс ва бошқаларни киритиш мумкин:

A little learning is a dangerous thing (Pope);

Knowledge is power (Bacon);

Blessed is he who expects nothing, for he shall never be disappointed (Pope);

A thing of beauty is a joy forever (Keats).

Ўзбек лингвомаданиятида ҳам кўплаб адабийасарлардан кириб келган мақоллар мавжуд. Айниқса, буюк ўзбек шоири, мутафаккири А. Навоийнинг асарларидан кириб келган мақолларнинг ўрни салмоқлидир. Алишер Навоий ижоди абадий барҳаётлигининг сири шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юксак маҳорат билан қаламга олган: муҳаббат, вафо, дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, саҳоват, адолат, олийжаноблик, яхшилик каби инсоний фазилатларни улуғлаган бўлса. Ёмонлик, зулмзўрлик, ноҳақлик, эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр сингари иллартларни кескин танқид қилган. А. Навоий кўп қиррали теран фикрларни лўнда ва аниқ шаклда ифодалайди, ўз фикрининг таъсирчанлигини ошириш учун ҳаётини ўхшатишлар топади. Халқ ҳаётининг энг чуқур қатламларигача, икир-чикирларигача яхши билган, донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатидаги теран мазмунли лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, инсонлар бу сўз ва ибораларни Навоий яратганлигидан беҳабар ҳолда уларни оғзаки ва ёзма нутқда кенг қўллашади.

Оз-оз ўрганиб доно булур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур;

Иzzат тиласанг кам де, сиҳат тиласанг кам е.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз

Баъзи ҳолатларда А. Навоий яратган ҳикматлар шаклини ўзгартириб тилда мақол сифатида кенг қўлланишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан (ўзбек мақоли);

Ҳар киши ким бировга қозгай чоҳ,

Тушкай ул чоҳга ўзи ногоҳ (А. Навоий ҳикматларидан).

2.2. Инглиз ва ўзбек мақолларининг семантик-тематик гуруҳланишининг миллий-маданий хусусиятлари

Халқ мақолларининг мазмун кўлами инсон ҳаётининг турли соҳаларини қамрайди. Инсон ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг чеки йўқ экан, мақоллар мазмуни чегарасини ҳам ўлчаб бўлмайди. Маиший ҳаётдаги кичик бир эътиборга арзимайдигандек кўринувчи лавҳадан тортиб чуқур фалсафий мушоҳада ифодасигача мақоллар мазмунида ўз аксини топган. Мақолларни тасниф қилишнинг бир турида мазмун етакчи ҳисобланади. Унга кўра Ватан, меҳнат, халқ, илм-ҳунар, мардлик, меҳмон, тадбиркорлик, муҳаббат ва вафо, яхши сўз – жами 30 га яқин мавзулар қайд этилган. Аммо бу мавзуларни яна кўпайтириш ҳам, камайтириш ҳам мумкин. Муҳими, мазмун етакчи бўлган таснифда масалани ҳар томонлама ифодалашга уриниш аниқ сезилади.

Мақолларнинг таҳлили жараёнида, биз 13 йирик тематик гуруҳни ажратдик. Ушбу йирик гуруҳлар ичида майда 35 тадан ортиқ кичик тематик гуруҳлар ажратилади. Улардан баъзиларина қўйида санаб ўтамиз:

I. Она Ватанга, она юртга ва халқга муҳаббат

II. Тарихий ўтмиш

III. Халқ фалсафаси

IV. Инсон ва унинг ҳаёти

1. Инсоннинг ички дунёси
2. Ҳаёт ва ўлим, ёшлик ва қарилик
3. Омад, тақдир, бахт – бахтсизлик
4. Бойлик ва фақирлик
5. Соғлик

V. Инсоннинг маънавий хусусиятлари, маънавий қадриятлар

1. Яхшилик – ёмонлик
2. Ақл – аҳмоқлик
3. Инсоннинг ижобий ва салбий хусусиятлари
 - а) тўғрилик – эгрилик, тўғри сўзлик – ёлғончилик
 - б) камтарлик – манманлик
 - в) ботирлик – қўрқоқлик
 - г) одоб – одобсизлик
 - д) меҳр-оқибат – оқибатсизлик
 - е) ғурур – хушомад
 - ё) самимийлик – носамимийлик
 - ж) масъулият - масъулиятсизлик

VI. Илм ва билим, заковат

VII. Оилавий ришталар

1. Эр-хотин муносабатлари
2. Ота-она ва болалар ва уларнинг муносабатлари
3. Қариндошчилик

VIII. Дўстлик ва муҳаббат

IX. Инсонлараро муносабатлар

X. Маиший ҳаёт. Меҳнат

XI. Бозор муносабатлари

XII. Диний қарашлар

XIII. Сўз ва мақол

Ушбу юқорида келтирилган айрим тематик гуруҳларнинг миллий маданий хусусиятларини кўриб чиқамиз.

I. Она Ватанга, она юртга ва халқга муҳаббат

Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларида Ватан турлича ифодаланган. Инглиз лингвомаданиятида Ватанга муҳаббат кўпроқ “*home*” тушунчаси орқали ифодаланади. Бу нарса, инглизлар лингвомаданиятининг индивидуализми билан тушунтирилади. Инглизлар ўз ўйларини яхши кўрадилар ва уни Ватаннинг эквиваленти сифатида талқин этадилар. Ўй қасрга, қиролликга, жаннатга, дунёга қиёсланади:

Englishman's home is his castle.

Home is where you hang your hat.

Every bird likes its own nest.

Home is the father's kingdom, the children's paradise, the mother's world.

East and West, home is best

Ўзбек лингвомаданияти эса тарихан коллективизм билан характерланади. Шунинг учун ўзбек мақолларида Ватан она тимсолида намоён бўлади: *Она юртинг – олтин бешигинг.*

Ўзбек мақолларида, она Ватан тушунчаси эркинлик ҳисси билан ёнма-ён дир:

Булбул чаманни севар,

Одам – ватанни.

Мазкур мақолда инсон руҳий оламида Ватан тушунчасининг аҳамияти қайд этилган. Мақолдаги Ватан сўзида фақат муайян ҳудуд, манзил, ўрин-жой, табиат акс этган, десак янглиш бўлади. Бу сўз маъно жиҳатдан аждодлар руҳи, маънавий мерос обидалари, қадриятлар, миллат бирлиги, менталитет хусусиятлари билан уйғунлашади. Булбул чаманда қанчалар яйраса, инсон ўз ватанида шунчалар эркин ҳис қилади. Булбулни боғларсиз, гулзорсиз, чамансиз тасаввур этиб бўлмаганидек, одамни ўз она диёрисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Энди бошқа бир мақолга мурожаат қилайлик:

*Она юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.*

Бу мақолда шахсинг она юртида яшаши ва истиқомат қилиши ундан маълум бурчни ҳам талаб қилиши ифодаланган. Инсон ўз юртида бемалол яшаши мумкин. Аммо бу юрт омон бўлса, яъни тинч бўлса, эркин-озод бўлса. Юрт тинчлиги, эркинлиги, озодлиги эса халқнинг ўз юртига бўлган иймонли муносабати оқибатида вужудга келади. Агар ўзбек халқ мақолларини таҳлил қилсак, Ватан мавзуйига алоҳида эътибор берилганига гувоҳ бўламиз. Тарихий маълумот ва хужжатлар бевосита халқ фарзандларининг аجدодлар васиятига содиқ эканликларини тасдиқламоқда. Қайта-қайта кўп намуналарда ватан озодлиги, эркинлиги ҳақидаги таъкиднинг кучайиши бежиз эмас. Кўпинча, бу мақолларда ватан ва эл тушунчаси уйғунлашади:

Элинг омон бўлса – сен омон.

Элинг, юртинг бўлмаса,

Ойинг кунинг бўлмасин.

II. Тарихий ўтмиш

Маълумки, Англия тарихан савдо сотиқ соҳасида катта ютуқларга эришган. Англия кўп йиллар давомида денгизда “қироллик” қилган ва турли мамлакатлар билан савдо муносабатларини ўрнатган. Кейинчалик Англия кўплаб мамлакатларни колонияларга айлантирган ва ушбу мамлакатлар билан кенг қамровли савдо алоқаларини ўрнатган. Бундан ташқари, индустрия соҳаси дунёда биринчи мартаба Англияда пайдо бўлган (18-19асрлар) ва Англияни дунё миқёсида савдо-сотиқ марказига айлантирган. Шунинг учун ҳам, инглиз лингвомаданиятида савдо-сотиқ соҳасига тегишли кўплаб мақоллар қўлланилади:

Business is the salt of life.

Business before pleasure.

First come, first served.

A bargain is a bargain.

*A penny saved is a penny gained;
 Money begets money;
 Penny wise and pound foolish;
 Business neglected is business lost;
 Keep thy shop, and they shop will keep thee;
 The customer is always right;
 Business is business;
 Don't throw good money after bad.*

Ўрта Осиё тарихида кўплаб забардаст жангчилар ва одил хукмронлар яшаб ўтган. Улар нафақат мохир жангчи, одил хукмрон, балки бир қатор инсоний фазилатларга, хусусан меҳр-шафқатга эга бўлишган. Агар гуноҳкор киши ўз айбини бўйнига олиб, вақтида тавба-тазарру қилса, тўғри йулга кирса, унинг билиб-билмай қилган гуноҳидан кечилган. Ушбу тарихий одат қуйидаги мақолда акс этган:

Эгилган бошни қилич кесмас

Тарихга назар ташласак, бир қатор солиқ турларини бўлганлигини кўрамиз. Солиқлар ҳосил йиғиштириш пайтида ундирилган. Ноинсоф солиқ йиғувчилар, катта ер эгалари минг машаққат билан қилинган ҳосилга эга чиқишган. Қуйидаги мақоллар шу мансабдор кишиларга қарата айтилган:

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир

Бир одам омов билан, еттовлон чўмич билан

Кўплаб тарихий мақоллар фақирлар ва бойлар, оддий одамлар ва амалдорлар, фуқаролар ва хукмронлар муносабатларини ҳам ифодалайдилар:

Бойнинг сўзи – бой, йўқнинг сўзи – лой;

Борлиқ – ярашиш, йўқлик – уришиш;

Подшолик – қонхўрлик;

Бақа – гўшт эмас, амалдор – дўст эмас

III. Халқ фалсафаси

Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларида катта эътибор вақтга берилади:

ингл: *Time is money;*

The early bird catches the worm

узб: *Вақт – занимат, ўтса – надомат;*

Вақт – омад;

Эрта турганни ишини худо ўнлар

Инсонлар узоқ вақт давомида бир-бирларидан узоқ яшашса, бир бирларини унутишлари тайинланади:

ингл: *Long absent, soon forgotten*

Out of sight, out of mind.

Present to the eye, present to the mind

узб: *Кўз кўрмаса кўнгил севмас*

Кўздан нари кўнгилдан нари

Кўздан тушган тилдан ҳам тушар

Меҳр – кўзда

Маълумки, ўзбек халқи қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Бу эса турли хил ҳайвонлар, қўшлар ҳаётини кузатиш имконини берган. Ўзбек тилида кўплаб зооним компонентли мақоллар мавжуд бўлиб, улар ҳам халқнинг оддий фалсафасини ифода этадилар. Масалан:

Бўри қариса, ови қочар.

Бургут қариса сичқончи бўлар.

Маълумки, арслон йирткич ҳайвонларнинг, бургут йирткич қушларнинг энг зўри ҳисобланади. Сичқончи дейилишининг сабаби шундаки, бу қуш бошқаларга кучи етмай сичқон тутиб ейди. Мазкур мақолларнинг маъноси шундаки, зўрлар ҳам бир кун қарийди. Билагидан кучи, қўлидан амали кетади. Вақти келса ўзига мос бўлмаган майда-чуйда ишлар билан банд бўлади.

Халқ фалсафасини ифода этувчи мақоллар нарсаларнинг ташқи кўринишига эмас, уларнинг моҳиятига эътибор бериш кераклигини таъкидлайдилар:

ингл: *Beauty will buy no beef*

There are spots in the sun too

узб: *Чиройга нон ботириб еб бўлмас*

Ойда ҳам доғ бор

Ўрганилаётган лингвомаданиятлар масофа жihatдан бир-биридан узокда жойлашган бўлсада, ушбу тематик гуруҳга кирувчи мақолларнинг кўпчилиги бир-бири билан мазмун жihatидан тўғри келади, чунки турли халқлар ҳаёти ва тарихи, турмуш тарзида ўхшашлик ва умумийликлар мавжуд. Шунга қарамасдан, ушбу гуруҳга кирувчи мақолларнинг ўзига яраша миллий маданий хусусиятлари бор. Миллий маданий хусусиятлар асосан мақолларда қўлланилган образларда намоён бўлади. Масалан: **ингл:** *There are spots in the sun too*; **узб:** *Ойда ҳам доғ бор* мақоллари мазмун жihatидан бир хил. Аммо инглизча мақода “куёш” образи, унинг ўзбекча эквивалентида эса “ой” образи ишлатилган. Ушбу образларнинг мақолларда қўлланишига сабаб экстралингвистик факторлардир. Маълумки, Англиянинг об-ҳавоси асосан ёмғирли бўлиб, куёш камдан кам чиқади, шунинг учун инглиз лингвомаданиятида куёш чарақлаб турган пайт оромбахш вақт саналади ва инглизлар куёш сабабли завқланишади. Ўзбекистон ҳудудида эса йилнинг асосий қисми офтоб ҳукмронлик қилади. Кун билан жазирама куёш остида ишлаган одамлар, кечқурун, ой чиққанда салқиндан роҳатланишади. Шу сабабли, инглизлар учун “куёш” образи, ўзбеклар учун эса “ой” образи катта аҳамиятга эга бўлиб, баркамоллик ва роҳат рамзидирлар. Барча нарсаларда, ҳатто ташқи кўриниши баркамол бўлган нарсаларнинг ўзига яраша нуқсони бўлади деган фикрни инглизлар учун энг баркамол бўлган “куёш” образи, ўзбеклар эса “ой” образи орқали ифодаланганлигининг сабаби ҳам шунда.

IV. Инсон ва унинг ҳаёти

V. Инсоннинг маънавий хусусиятлари, маънавий қадриятлар

Ушбу тематик гуруҳлар бир бирига яқин бўлиб, инсон ҳаёти ва ўлими, ёшлик ва қарлик, омад, тақдир, бахт – бахтсизлик, бойлик ва

фақирлик, соғлик ва касаллик, меҳмондўстлик, яхшилик – ёмонлик, ақл – аҳмоқлик, тўғрилиқ – эгрилик, тўғри сўзлик – ёлғончилик, камтарлик – манманлик, ботирлик – кўрқоқлик, одоб – одобсизлик, меҳр-оқибат – оқибатсизлик, ғурур – хушомад, самимийлик – носамимийлик, масъулият – масъулиятсизлик каби инсон ҳаётида муҳим урин тўтган тушунчалар ва инсоннинг ижлбий ва салбий хусусиятлари ҳақидаги халқ фалсафий карашларини ифодалайдилар.

Ушбу тематик гуруҳларга кирувчи барча тушунчаларини ушбу диссертацияда қамраб олишининг албатта иложи йўқ. Шунинг учун, биз ишимизда уларнинг айримларида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, меҳмондўстлик барча халқлар ҳаётида муҳим урин эгаллайди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, меҳмондўстлик инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларида турлича тушунилади.

Меҳмондўстлик тушунчаси билан боғлиқ баъзи мақолларни кўриб чиқамиз. Инглиз мақолларига қуйидагилар киради:

An unbitten guest knows where to sit.

Who comes uncalled sits unserved.

Fish and guest smell in three days.

Мазкур мақоллардан кўриниб турибдики, инглиз лингвомаданиятида меҳмоннинг ўзига эмас, балки унинг таклиф қилинган ёки таклиф қилинмаганлигига, меҳмоннинг қанча вақт меҳмон сифатида ўтказишига кўпроқ эътибор берилади. Таклиф қилинмаган меҳмон ортиқча иззат икром кўрсатилишга нолойиқ ҳисобланади: *Who comes uncalled sits unserved; An unbitten guest knows where to sit;* меҳмон уч кундан ортиқ қолиши қораланади: *Fish and guest smell in three days.*

Ўзбек халқи эса қадим қадимдан ўзининг меҳмондўстлиги билан дунёга танилган. Ўзбек лингвомаданиятида меҳмонга, таклиф қилинган ёки таклиф қилинмаганлигидан қатъий назар, энк катта хурмат эҳтиром кўрматилади, ўйдаги бор нарсанинг энг сараси олдида дастурхон қилиб

ёзилади. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигини акс эттирувчи кўплаб мақолларда меҳмоннинг алоҳида мартабаси қайд этилади:

Меҳмоннинг кетишини сўрама, келишини сўра

Меҳмон отангдан улуғ

Меҳмон – атойи худо

Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан

Меҳмон келган уйнинг чирोगи равшан

Меҳмон – уйнинг зийнати

Меҳмонга ширин сўз бер

Меҳмон келган уй – баракали

Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам, меҳри-дилинг кенг бўлсин

Ош – меҳмон билан азиз

Меҳмоннинг олдида мушугингни пишт дема

Юқорида келтирилган барча мақолларда меҳмоннинг кадр қиммати улуғланади: Меҳмон отангдан улуғ; Меҳмон – атойи худо; меҳмонли уй баракали ва ўзига хос зийнатли ҳисобланади: *Меҳмон келган уйнинг чирोगи равшан, Меҳмон – уйнинг зийнати, Меҳмон келган уй – баракали*; меҳмон билан яхши муомала қилиш даркорлиги ўқтирилади: *Меҳмонга ширин сўз бер, Меҳмоннинг олдида мушугингни пишт дема, Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам, меҳри-дилинг кенг бўлсин*. Ушбу мақоллардан меҳмондўстликнинг ўзбек лингвомаданиятида нақадар катта аҳамиятга эkanлигини кўришимиз мумкин.

VI. Дўстлик

Инсон ҳаётида дўстлик катта аҳамиятга эга. Дўстлик билан боғлиқ мақолларни таҳлил қилиш жараёнида, биз инглиз ва ўзбек тилида мазмун жиҳатидан мос келадиган бир нечта мақолни аниқладик:

ингл: *Tell me who is your company and I'll tell you who you are.*

ўзб: *Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман*

ингл: *A friend in need is a friend indeed.*

ўзб: *Дўст мухтожликда синалар.*

ингл: *Between friends all is common*

ўзб: *Дўстлар орасида “меники” бўлмас*

Инглиз ва ўзбек мақолларида дўстлик улуғланади, яхши дўст барча бойликлардан афзаллиги ўқтирилади, дўстлар бири бири ҳақида қайғуриши, бир бирига таянч бўлиши таъкидланади:

ингл: *A faithful friend is a medicine for life.*

A friend is one who is there to care.

A friend by your side can keep you warmer than the richest furs.

A faithful friend is better than gold.

ўзб: *Дўст – дўстга қалқон*

Дўст – дўстга қанот

Дўст – дўстнинг таянчи

Дўстсиз бошим – тузсиз ошим

Балиқ дўстсиз яшамас, инсон – дўстсиз

Яхши дўст – давлат

Ўзбек лингвомаданиятида дўстлик куч бериши таъкидланади, яъни дўсти кўп одам барчанинг устидан ғалаба қозониши, барча нарса енгиши ўқтирилади:

Ақли кўпни дов олма, дўсти кўпни ёв олмас

Билаги алп бирни енгар, дўсти кўп – мингни

Бургут кучи – оёғида, одамники – дўстликда

Дарахт илдизи билан, одам дўстлари билан

Дарахтни томири сақлар, одамни – дўст

Ўзбек мақолларида ёмон дўстнинг салбий хусусиятлари, унинг ёмон таъсири, ифвогарлиши очиб берилади, ёмон дўст душмандан ҳам хавфлироқ эканлиги ўқтирилади:

Аблаҳ дўст душмандан ёмон, не ҳийла қилса, ишлатар осон

Галга солган дўст эмас

Ёмон дўст – кўланка

Ёмон дўст – қора булут сояси

Ёмон дўстдан қирда ётган тош яхши

Жон оғритган дўст бўлмас

Гинали дўст – адоватли душман

Инглиз ва ўзбек мақолларида дўстларнинг танишлардан фарқи, дўстларнинг кўп бўлмаслиги, эски синалган дўст – энг вафодор дўст эканлиги ўқтирилади:

ингл: *An old friend is better than two new one.*

Have but few friends though many acquaintances.

A friend that isn't in need is a friend indeed.

ўзб: *Кийимнинг янгичи яхши, дўстнинг – эскиси*

Қадим дўстлик – зангламас

Ҳар кимни дўст дема, тандаги пўстим дема

Инглиз ва ўзбек мақолларида дўст оғир кунда синалиши, оғир кунларда дўстининг ёнида бўлиши, уни доимо қўллаб қувватлаши, бошқалар юз ўтирганда ҳам дўстининг ёнида бўлиши таъкидланади:

ингл: *A friend is one who walks in when the rest of the world walks out.*

A friend is someone that won't talk behind your back when you leave the room.

A friend is one who knows you and loves you just the same.

ўзб: *Дўст ачитиб гапирар, душман – кулиб*

Дўст билан сирдош бўл, ишига доим қўлдош бўл

Дўст дўстини кулфатда синар

Дўст оғир кунда билинар

Номардни жанг синайди, дўстни – муҳтожлик

Ўрганилаётган иккала лингвомаданиятда ҳам маротаба, бойлик, мол-мулк ва пул билан боғлиқ масалалар дўстликка зарар етказиши таъкидланади:

ингл: *When I lent I had a friend, When I asked he was unkind.*

A friend in power is a friend lost.

Success has many friends.

ўзб: *Қарз берсанг дўст кўпаяр, талаб қилсанг – душман*

Ҳисобли дўст – айрилмас

Шу билан бирга, ўзбек мақолларида, дўстлар орасидаги ҳисоблашиш қораланади:

Дўст ҳисоби – дилда

Ўпка, юрак гўшт эма, ҳисоблашган дўст эмас

Юлғуннинг ўти бўлмас, савдогарнинг – дўсти

Ўтми кавласанг, ўчар, дўстми кавласанг – кечар

Ўзбек мақолларидан фарқли равишда, инглиз мақолларининг баъзиларида, дўстлик салбий баҳоланади:

Friends are thieves of time

Friends are burglars

Юқорида келтирилган инглиз ва ўзбек мақоллари иккала лингвомаданиятда ҳам дўстлик асосан бир хил тушунилишни исботлайди. Шу билан бирга бу мақоллар бир қатор миллий маданий хусусиятларга эга. Масалан, инглиз лингвомаданиятида “дўстлар вақт ўғрилари” деган тушунча ўзбек лингвомаданиятига мутлақо тўғри келмайди, чунки ўзбек халқида чин дўстлик жуда юқори баҳоланади. Ўзбек мақолларида яхши ва ёмон дўст фарқи кенг миқдордаги мақолларда ифодаланади, дўстлик – ҳақиқий куч манбаи сифатида таъриф этилади.

Ушбу диссертацион ишда биз юқорида келтирган тематик таснифимизнинг айрим гуруҳларини таҳлил қилиб, уларнинг инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларини акс этишидаги роли ва аҳамиятини аниқладик. Фикримизча, ушбу таснифнинг тўлиқ таҳлили ҳатто алоҳида китоб яратишга ҳам асос бўла олади. Шунга қарамасдан, ўтказган кичкина таҳлилимизнинг натижалари, миллий менталитетнинг мақолларда акс этишини аниқладик. Халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланган мақол ва иборалар миллий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида ёш авлодни тарбиялашда педагогиканинг асосини ташкил этади.

II - Боб бўйича хулосалар

Таҳлил натижасида, биз мақолларнинг қўйидаги манбаларини аниқладик:

1. Кундалик маиший ҳаёт
2. Диний китоблар, диний маросимлар ва тушунчалар
3. Ўзлаштирилганлар: а) бошқа тиллардан ўзлаштирилган мақоллар;
б) рим ва грек мифологиясидан ўзлаштирилган мақоллар
4. Адабий асарлардан кириб келган мақоллар.

Мақолларни тасниф қилишнинг бир турида мазмун етакчи ҳисобланади. Унга кўра Ватан, меҳнат, халқ, илм-ҳунар, мардлик, меҳмон, тадбиркорлик, муҳаббат ва вафо, яхши сўз – жами 30 га яқин мавзулар қайд этилган. Аммо бу мавзуларни яна кўпайтириш ҳам, камайитириш ҳам мумкин. Муҳими, мазмун етакчи бўлган таснифда масалани ҳар томонлама ифодалашга уриниш аниқ сезилади.

Мақолларнинг таҳлили жараёнида, биз 13 йирик тематик гуруҳни ажратдик. Ушбу йирик гуруҳлар ичида майда 35 тадан ортиқ кичик тематик гуруҳлар ажратилади. Улардан баъзиларина қўйида санаб ўтамиз:

VII. Она Ватанга, она юртга ва халқга муҳаббат

VIII. Тарихий ўтмиш

IX. Халқ фалсафаси

X. Инсон ва унинг ҳаёти: а) инсоннинг ички дунёси; б) ҳаёт ва ўлим, ёшлик ва қариллик; в) омад, тақдир, бахт – бахтсизлик; г) бойлик ва фақирлик; д) соғлик.

XI. Инсоннинг маънавий хусусиятлари, маънавий қадриятлар: а) яхшилик – ёмонлик; б) ақл – аҳмоқлик; в) тўғрилиқ – эгрилик, тўғри сўзлик – ёлғончилик; г) камтарлик – манманлик; д) ботирлик – қўрқоқлик; е) одоб – одобсизлик; ё) меҳр-оқибат – оқибатсизлик; ж) ғурур – хушомад; з) самимийлик – носамимийлик; и) масъулият - масъулиятсизлик

XII. Илм ва билим, заковат

VII. Оилавий ришталар: а) эр-хотин муносабатлари; б) ота-она ва болалар ва уларнинг муносабатлари; в) қариндошчилик.

VIII. Дўстлик ва муҳаббат

IX. Инсонлараро муносабатлар

X. Маиший ҳаёт. Меҳнат

XI. Бозор муносабатлари

XII. Диний қарашлар

XIII. Сўз ва мақол

Ушбу диссертацион ишда биз юқорида келтирган тематик таснифимизнинг айрим гуруҳларини таҳлил қилиб, уларнинг инглиз ва ўзбек лингвомданиятларини акс этишидаги роли ва аҳамиятини аниқладик. Фикримизча, ушбу таснифнинг тўлиқ таҳлили ҳатто алоҳида китоб яратишга ҳам асос бўла олади. Шунга қарамасдан, ўтказган кичкина таҳлилимизнинг натижалари, миллий менталитетнинг мақолларда акс этишини аниқладик. Халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланган мақол ва иборалар миллий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида ёш авлодни тарбиялашда педагогиканинг асосини ташкил этади.

III БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁНИ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДА АҲАМИЯТИ

3.1. Инглиз ва ўзбек мақолларининг миллий-маданий хусусиятлари

Турли халқларнинг қатор мақол ва маталлари бир-бирларига мазмуний-услубий жиҳатдан мос бўлади. Бундай тиллараро ўхшаш лисоний воситалар илмий адабиётларда муқобиллар деб аталади. Ушбу ўзаро мослик аксарият ҳолларда халқларнинг турмуш шароитлари, урф-одатлари ва мантикий мушоҳадаларидаги муштарақлик билан изоҳланади. Зеро, тилнинг ўзга лисоний воситалари сингари мақол ва маталлар ҳам турли-туман умуминсоний меъёр ва ҳаётий кузатишлар асосида вужудга келади. Қуйида биз инглиз ва ўзбек тилларида учрайдиган муқобил мақолларидан айримларини келтириб ўтамыз:

ингл: *Friend in need is a friend in deed*; **узб:** *Дўст бошга кулфат тушганда синалади*; **рус:** *Друг познаётся в беде*;

ингл: *East or West home is best*; **ўзб:** *Ўз ўйим, ўлан тўшагим*;

ингл: *A burnt child dreads the fire*; **ўзб:** *сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар*; **рус:** *обжёгшись на молоке, дуют на воду*;

ингл: *Dog doesn't eat dog = Hawk will not pick out hawks' eyes = Crows do not pick crow's eyes out*; **узб:** *Қарга қарганинг кўзини чўқимайди. Волк волка не съест = Ворон ворону глаз не клюет*.

ингл: *As you sow, you shall tow*; **узб:** *ҳар ким экканини ўрар*; **рус:** *что посеешь, то пожнёшь*

ингл: *Don't count your chickens before they are hatched*; **узб:** *жўжани кузда сана*; **рус:** *цыплят по осени считают*

ингл: *When the cat is away, the mice will play*. **узб:** *арслоннинг ўлиги - сичқоннинг тириги*; **рус:** *без кота мышам раздолье*.

ингл: *A cat in gloves catches no mice*; **узб:** *ер қазимасанг, олтин чиқмас*,

Қармоқ солмасанг - балиқ. рус: без труда не вынешь рыбку из пруда.

ингл: *Curst cows have curt horns.* **узб:** *Сутсиз сизир кўп марар.* **рус:** *Бодливой корове бог рогов не дает.*

ингл: *Hunger drives the wolf out of the wood.* **узб:** *Бўрини оёғи бокади.* **рус:** *Волка ноги кормят.*

ингл: *He that fears every bush must never go a birding.* **узб:** *Бўридан қўрққан - тўқайга кирмас.* **рус:** *Волков бояться - в лес не ходить.*

ингл: *Don't look a gift horse in the mouth.* **узб:** *Берганнинг бетиға қарама.* **рус:** *Дареному коню в зубы не смотрят.*

ингл: *Two dogs over one bone seldom agree.* **узб:** *Икки қўчқорнинг боши битта қозонда қайнамас.* **рус:** *Два медведя в одной берлоге не уживутся.*

ингл: *If you run after two hares, you'll catch none.* **узб:** *Икки қуённи қўвган - бирисини ҳам тутолмас (Ёки: Икки кеманинг бошини ушлаган гарк бўлар).* **рус:** *За двумя зайцами погонишься, ни одного не поймаешь.*

ингл: *One swallow doesn't make a summer.* **узб:** *Битта қалдирғоч келган билан баҳор бўлмайди.* **рус:** *Одна ласточка весну не делает.*

ингл: *There is a black sheep in every flock.* **узб:** *Тиррақи бузоқ бутун подани бўлгар.* **рус:** *Паршивая овца все стадо портит.*

ингл: *The dogs bark, but the caravan goes on = The moon doesn't heed the barking of dogs.* **узб:** *Ит ҳураp - карвон ўтар.* **рус:** *Собака лает, караван идет (ветер носит).*

Ушбу мақолларнинг семантик маъноси бир хил бўлсада, лекин ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналаридан келиб чиқиб яратилган. Уларда миллий маданиятдан келиб чиққан ҳолда уша лингвомаданият учун долзарб бўлган образлар қўлланади. Масалан, қўйидаги маолларни кўриб чиқамиз: **ингл:** *Two dogs over one bone seldom agree.* **узб:** *Икки қўчқорнинг боши битта қозонда қайнамас;* **рус:** *Два медведя в одной берлоге не уживутся.*

Бу мақолларнинг мазмуний маъноси бир хил, яъни улар иккита бир хил одам бир бири билан битта жойда сиғишмайди деган маънони

ифодалайдилар. Аммо инглиз мақолида “dog” образи, ўзбек тилида “кучқор”, рус тилида эса “айиқ (медведь)” образи ишлатилган.

Маълумки, инглиз лингвомаданиятида, ўй ҳайвонлари, жумладан, ит алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўзини ҳурмат қиладиган хонадон ўз итига эга. Баъзи инглизлар бир неча итларни ҳам сақлаши мумкин. Итлар оиланинг ажралмас қисми ҳисобланадилар ва ҳар ҳолатда тенг ҳуқуқли дўст сифатида қараладилар.

Ўзбек лингвомаданиятида эса чорвачилик муҳим аҳамият касб этиб, кучқор тўқинлик рамзи ҳисобланади. Ундан ташқари, кучқор тўй-ҳашамлар, маъракалар ва байрамларнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун, ўзбек мақолида “кучқор” образи қўлланган. Умуман олганда, қўй ўзбек чорвачилигининг асоси, шунинг учун ҳам ўзбек тилида кўплаб “қўй”, “кучқор” компонентли мақоллар мавжуд. Масалан, *Бир қўй кетидан минг қўй тўяди* мақолини олайлик. Ҳайвонлар ичида қўйда ўзига хос шундай яхши одат борки, у яйловда ўтлаб юрганида ўтни бир чимдим тишлаб еб ўтиб кетаверади. Унинг кетидан келаётган қўйлар ҳам шу йўсинда ўтлаб тўйинадилар. Бошқа ҳайвонлар эса ўтни тап-тақир қилиб еб ўзларидан кейин келадиганларга қолдирмайдилар. Мақолда қўли очик, сахий инсон қўйга, бахил инсонлар эса бошқа ҳайвонларга ўхшатишган.

Рус лингвомаданиятида эса бундай аҳамиятга “айиқ” эга бўлиб, рус халқининг миллийлиги ва кучлилиги рамзи ҳисобланади. Қадим қадимдан, айиқ барча миллий байрамларнинг иштирокчиси ва меҳмони бўлган.

Баъзи инглиз ва ўзбек мақоллари структуравий жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади.

Структуравий тузилиши жиҳатдан инглиз мақоллари ҳар хил кўринишга эга. Баъзилари ўта содда кўринишни ҳосил қилса, баъзилари ўта мураккаб структурага эга. Биз қуйида бир қанча оила ва ҳаётга оид мақол ва маталларни структуравий ва семантик жиҳатдан кўриб чиқамиз.

“Out of the mouths of babies and sucklings”, ўзбекча варианты *“Болали*

уйда сир ётмас”, “Боласиз уйда кир турмайди”, “Болалик уйда ўзрилик ётмас”, “Болага айтилган сир - бойланилган сизир”. Бу мақолаларда бола олдида ёхуд болага оиладан ташқарига чиқмалик лозим бўлган сирли гапларни гамирмаслик керак деган маъно ифодаанади. Чунки, бола бунинг фаркига бормай, ҳар бир ерда ва ҳар бир кишига айтиб, ошкор қилиб қўйиши турган гап.

“*The more women look in their glass, the less they look their house*”. Бу мақол структурасига кўра қўшма гап бўлади. Бу мақолнинг ўзбекча вариантлари “*Аёл хусни пардозда эмас*”, “*Пардозчиши уйда кўр, хотинингни тўйда кўр*”. Бу билан кўча куйда, зиёфату-тўйда ясаниб-тусаниб, пардоз-андоз қилиб юрган хотин қизларни кўриб, “Ох қандай гўзал, қандай кўркам, қандай чиройли экан-а!” деб, ўз хотинингдан кўнглинг совиб юрмасин. Ўша “Пардозчи”ларни ҳам ўз уйида кўргин, биласан аслида қандай эканини, ўз хотининг ҳам уйчи кийимда, пардоз-андоз қилмай юрганда сенга кўримсиз бўлиб кўринади. Аммо уни ҳам кийиниб- араниб тўйга борганини кўрсанг, биласан қандай гўзаллигиши деган маънода хогинини қадрлаш, иззат-хурмат қилишга даъват этадилар. “*Пардозни пардоз бузар*” деган мақол ҳам борки, бу билан: “Пардоз хаддан ташқари бўлса, кишининг асл хуснини қайтага бузиб қўяди” – маъносини ифодалайди.

“*A good husband makes a good wife*” Бу мақол структурасига кўра содда ёйиқ гап усулидир. Мақолнинг ўзбекча варианты турличадир. “*Эр яхши - хотин яхши*”, “*Хотининг ёмон бўлса айб ўзингда*”. Ўзинг беғам, бепарво бўлсанг, уй рўзгор ишларига қарашмасанг, дангасалик қилсанг, кўрс ва бадфеъл бўлсанг, ўз маишатингни ўйласанг ҳаётинг ҳам, хотининг ҳам яхши бўлмайди деган фикрни ифодалайди.

Турли халқлар оғзаки ижодидаги мақол ва ибораларни ўрганиш жараёнида, мазкур жанрлардаги намуналар мазмун ва моҳият жиҳатдан деярли барча халқларда бир хилда такрорланаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бироқ бундай яқинликни бир халқ иккинчи халқдан мақолни ёки

иборани ўзлаштирганлиги билан изохлаш нотўғри бўлган бўлар эди. Фикримизча, бундай яқинликни оддий яшаш тарзининг ўхшашлиги, одамлар ҳаётидаги муносабатларнинг яқинлиги ва умуман ҳаётдаги кўп ҳолатларнинг бир хил вазият ҳосил қилиши билан изохлаш маъқул.

Масалан: Буюк Британия анъанасига кўра чўқинтириш маросимида бой хонадондаги чақалоқнинг ота-онаси бахт-саодат ва фаровонлик рамзи сифатида болага кумуш қошиқча совға қилишади, шундан келиб чиққан ҳолда инглизларда омад ва бахт концепти сифатида «*To be born with a silver spoon in one's mouth*» иборасини ишлатиш одатий ҳолдир. Айнан бахт-омад ва фаровонлик концептларини ифодаловчи мақол рус тилида «*Родиться в сорочке*», «*Родиться под счастливой звездой*», ўзбек тилида эса «*пешанаси ярқираган*» ибора ва мақоллари қўлланилади.

Шу ўринда яна бир мисол, инглиз тилидаги ўз таркибида топонимларни мужассам қилган мақол ва ибораларни тадқиқ қилиш жараёнида мазкур мақол ва иборалар рус ва ўзбек тилларида айнан ўз муқобилига эга эмаслигини кўришимиз мумкин. Масалан, инглиз тилидаги «*To carry coal to Newcastle*» мақолининг рус тилидаги эквиваленти топоним билан «*Ездить в Тулу со своим самоваром*» тарзида ифодаланмоқда, аммо унинг ўзбек тилидаги муқобилида топоним эмас турдош отни учратамиз «*Дарё бўйида қудуқ қазимоқ*». Нега айнан Newcastleга кўмир ташиш, Тулага эса самовар билан бормоқ, чунки Newcastle Буюк Британия кўмир саноати марказларидан бири ҳисобланса, Тулада эса самоварлар ишлаб чиқарувчи заводлар бор. Вербаллашаётган Тула ва Newcastle топонимли-реалияли тушунчалар ҳеч қандай муболағасиз мақолнинг маълум маданиятга ҳослигини кўрсатмоқда. Турмушда руй берган воқеа-ҳодисалар натижасида вужудга келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда турли миллат вакиллари бирон мақол ёки иборани ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида келтириши мумкин. Маълум бир воқеани сир сақланаётганлигига шубҳа билан қараган руслар «*Шло в мешке не утаишь*» дейишса, ўзбек халқи бошқа мақолни ишлатади «*Ойни*

этак билан ётиб бўлмас».

Мақолларда этноснинг ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари, тўй-ҳашамлари намоён бўлади. Улардаги сўзлар ҳам миллатнинг хаётидан олинади. Ўзбек мақолларини кузатсак, деҳқончиликда қўл келадиган эшак, ҳўкиз, омоч каби сўзларни кўришимиз мумкин:

Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади.

Мазкур мақолда ҳам ариқ (сув оқадиган кичкина сой) халқ учун қанчалик катта аҳамият касб этиши, ариқ қазиган инсон кўплаб инсонларнинг хурматига сазовор бўлиши айтилмоқда.

Тарихан, аёллар эркаклардан анча паст поғонада туриши зарурлиги қадимдан қизларга уқтириб борилади:

ингл: *Women have long hair and short brain.*

A woman's work is never done.

A woman, a dog, and a walnut tree, the more you beat them the better they be.

ўзб: *Қиз бола эрда яхши, эр олмасга гўрда яхши*

Хотин осанг, ёшдан ол, жиловини бошдан ол

Қизни эркаласанг, эрнингга тепар

Шу билан бирга, бир қатор ўзбек мақолларда халқнинг кўп асрлик фалсафий мушоҳадасини кўриш мумкин. Унда аёлларнинг ҳам жамиятдаги ўрни эркакларникидан кам эмаслиги айтилади. Оилада онанинг дунёқараши фарзанд тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан жамиятнинг илғор фикрли инсонлар аёлга, унинг саломатлигига, билим олишига ижобий муносабатда бўлишган:

Аёл ердан чиққан эмас - эркак боласи,

Эркак кўкдан тушган эмас - аёл боласи;

Хотинли рўзгор гулдир, хотинсиз рўзгор чўлдир;

Хотинсиз уйни кўр – қаро ерни кўр;

Ўтинсиз қозон қайнамас, хотинсиз уй яйрамас;

Она – дарахт, бола – мева;

Онали етим – гул етим, отали етим – шум етим.

Отаси тентакнинг бариси – тентак, онаси тентакнинг бариси - тентак

Миллий менталитетнинг тилда акс этиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмасда, унинг тилнинг мазмунига сингиб кетиш даражаси ҳақида фикрлар турличадир. Муайян халқнинг тили концептуал тилнинг инварианти сифатида дунёни бузиб кўрсатмайди, балки ўзининг яхлит семантик тизими ёрдамида акс эттиради, акс ҳолда турли тилда сўзлашувчилар орасида бир-бирини англаш мумкин бўлмас эди. Аслини олганда мақол ва иборалар маълум бир халқ ҳаётида тутган ўрни, маиший вазиятларини ифодалаш даражаси билан бир-бирига яқин туради.

3.2. Инглиз ва ўзбек мақолларининг таржимада берилиши

Таржима тиллар доирасида амалга ошириладиган маданиятлараро алоқа воситасидир. Дунё халқларини бир-биридан ажратувчиб турувчи, уларни бир-бирига бирлаштириб турувчи ҳам тилдир. Ер юзидаги барча халқлар бир-бирлари билан таржима туфайли муомала қиладилар. Кун сайин миллатлар ўртасида турли соҳа ва йуналишларда ўзаро алоқа қилишга эҳтиёж кучайиб бормоқда. Шу жумладан халқлар орасидаги маданиятларо алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. Шу каби алоқаларнинг юксалишида албатта таржиманинг ўрни катта аҳамиятга эга.

Таржима шундай бир нарсаки, унинг шуълалари остида инсонлар бир бири билан яқинлашади ва натижада инсонларни камолотга етказадиган ўзаро фикр алмашув хосил бўлади. Мустакил Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутиб дунё мамлакатлари билан нафақат иктисодий ва сиёсий, балки маданий ва маърифий алоқалар ўрнатиши натижасида авваллари юртимиз ҳақида тасаввурга эга бўлмаган халқларда ўзбек халқининг бой илмий мероси, маданиятига қизиқиш уйғониб, бу ҳол чет элликларнинг ўзбек маданияти ва урф-одатлариға бўлган қизиқиш ва эҳтиёжини вужудга келтирмоқда. Жаҳонни янгидан кашф этаётган ўзбек халқида ҳам чет эл

маданиятига қизиқиш тобора ошиб бормокда.

Маълумки, ҳар бир маданиятнинг ривож-равнақи бошқа маданиятлар билан қанчалик даражада алоқада эканлигига боғлиқ. Маданиятларнинг гуллаб яшнашида эса таржима бениҳоят катта рол ўйнайди. Таржима тиллар доирасида амалга ошириладиган маданиятлараро алоқа воситасидир. Худди шундай восита сифатида у азал-азалдан ижтимоий ва халқаро тараққиётга сезиларли таъсир килиб келган. Таржиманинг қайси тилдан қандай тилга, қачон ва қай даражада амалга оширилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Бир пайтлар Абу Али ибн Сино, Розий, Хайём, Ҳофиз ва Саъдий асарларининг Европа тилларига таржима қилиниши катта шов-шувларга сабаб бўлган.

Маданиятлараро алоқалар интеллектуал гуркирашнинг ажралмас таркибий қисми ҳисоблади ва таржима ҳақида тилшунос олимларимиз ҳам турли хил фикрлар билдиришган. Жумладан бунга Ғ. Саломовнинг қуйидаги мулоҳазасини мисол килиб келтиришимиз мумкин. «Таржима орқали халқлар бир-бирлари билан фикрлашганлар, адиблар бир-бирлари билан мулоқотда бўлганлар. Ҳамма замонларда - ҳоҳ адабий, ҳоҳ илмий, ҳоҳ сиёсий китоблар таржимаси бўлсин – халқ, у яратган ёки яратаётган маданият, фан, адабиёт ва сиёсат бундан фақат наф кўрган». С. Маршакнинг фикрича эса: «таржимон доим таржима яратишга қодир эмас, бунинг учун тилни билишдан ташқари, ўша халқнинг маданиятидан ҳам хабардор бўлиши керак» ва албатта чет тилини ўрганиш учун аввалам бор тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданиятини ўрганиш керак. Масалан, оддийгина ўзбек тилилаги “бешик“ сўзини оладиган бўлсак. Бошқа миллат вакилларига бу сўзни нима деб таржима қилиб берилади. Умрида биринчи марта ба бешики кўриб турган инсонга бу нарса жуда ҳам қизиқ кўриниши табиий. Таржимон бешикнинг кўринишини, ундаги ранглар жиловини, катта-кичиклигини қойилмақом қилиб тушунтириб бериши мумкин. Лекин шу нарса халқимизда бир неча асрлардан бери чақалокдар учун ётоқ (кровать) сифатида шу кунгача фойдаланиб келаётганини

тушунтириб бериш учун таржимон шубҳасиз маданият ва урф-одатдан хабардор бўлиши керак. Ёки бўлмаса миллий матоимиз “атлас” ҳақида гапирадиган бўлсак, бу матонинг ягоналиги ва айнан бизнинг миллатга хослиги, яъники бундай гўзаллик бошқа давлат маданиятида йўқлиги ҳам маданиятимизнинг бой ва бетакрор эканлигидаи далолат беради. Хаттоки, ҳозирги кунда чет давлатларда атласдан замонавий русумдаги кийимларни кийиш кенг тус олган.

Таржима, хоҳ у ёзма бўлсин, хоҳ оғзаки бўлсин, миллатлар ва халқлар ўртасидаги муҳим алоқа воситаси ролини бажариб келмоқда ва ҳар қандай таржиманинг асосий вазифаси асл тилда сўзловчи ёки ёзувчи томонидан билдирилган коммуникатив мақсадни ўзга таржима тилида тўла ва аниқ ифода этишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир таржима ўзига хос санъат асари. Унда ҳар бир ижодкорнинг шахсий дунёқараши, руҳияти, хис-туйғулари яққол ифодаланади. Таржимон худди заргар каби сўз дурларини ўрни-ўрнига қўйиб гўзал санъат намунасини яратади.

Халқ тафаккури дурдонаси ҳисобланмиш мақоллар инсонларнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан доно қарашларни ифодалаши билан қадрлидир. Узоқ йиллардан бери олимлар диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган мақоллар тилшунослик ва таржимашуносликнинг ўрганиш предмети сифатида тадқиқ этилди. Таниқли ўзбек олимларимиз Ш.Раҳматуллаев, Я.Пинхасов, Ғ.Саломов, Қ.Самадов, Ш.Шораҳмедов, Х.Абдурахмонов, М.Садриддинова кабиларнинг ишлари бунга ёркин гувоҳдик бера олади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таржимада мақол, матал, ҳикматли сўз бир тилдан иккинчи тилга қандай берилиши масаласи тўғрисида мунозаралар ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Кўпгина мақолларнинг бошқа тилларда шакл ва мазмун жихатида мувофиқ келадиган муқобиллари мавжуд. Бундай муқобилларни эса таржимон излаб топиши, уларни саралаши ва ўз ўрнида ишлата билиши зарур.

Хатто масофа жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган халкларнинг тилларида ҳам ўхшаш, мазмун ва таъсирчанлик жиҳатидан мос муқобиллари мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир тилда мазмун жиҳатдан бир хил образлилиги жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган мақол ва идиоматик иборалар ҳам мавжуд. Масалан, реал ҳаётда содир бўлмайдиган воқеа ва ҳодиса ҳақидаги иборалар турли халклар тилида турличадир. Ўзбек тилида "туянинг думи ерга текканда" ибораси ишлатилса, рус тилида "когда на горе рак свистнет и рыба запоет" (қачон тоғда қичқичбака ҳуштак чалса ва балиқ куйласа), инглизларда эса "whenn the moon turns green cheese" (қачонки ой яшил пишлокка айланса) немисларда "ween die Hunde mit dem Schwan: bel-len" (қачонки итлар думи билан аккилласа), французларда "Dans chaque semaine avec sept jeudi" (қачонки, бир ҳафтада етти пайшанба бўлса), болгар тилида "хехли на круша хотя бн кога се покачи свиня с жълти чехли на круша" (қачонки, чўчка сариқ шатақда нокка сакраса) дейилади. Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, мазмун жиҳатдан ушбу мақоллардаги аналоглар тўғри танланган, мубодо ушбу мақолларни таржимон сўзма-сўз таржима қилса, ҳеч қандай маъно англамайди қулгили сўзлар бирикмаси келиб чиқиши мумкин. Мақолларни ўрганар эканмиз биз халқни дунё қарашини, шароитини, иқлимини, яшаш тарзини, тарихини ва шунга ўхшаш бир қанча билимларни улар ичида кўришимиз аниқ. Чунки одам миллат мақоллари билан танишар экан, ўша халқ руҳини хис қиладди, ўша халқ одамларини тушуна бошлайди. Мақолларни ўзига хос томонлари бор. Уларни ўрганиш жараёни масъулиятли ва қийин бир қолатдир. Айниқса, бу ҳолат мақоллар таржимаси билан шуғулланганда рўй беради. Масалан: *Life is sweet*. Бу мақол таржимаси бир мунча мушкул. Мақолга шундай бир эквивалент берилиш керакки, мақолнинг руҳи таржимадан узоқлашмасин. Биз буни "Ҳаёт ширин" дея олмаймиз, чунки бизнинг ўзбек тилида бундай мақол йўқ.

Айрим икки тил мақол муқобиллари айрим контекстларда бир-

бирини алмаштира олмайди. Кўп маъноли икки тил мақолларнинг баъзи маъно ва услубий вазифалари ўхшаса, айримлари фарк қилади. Бу ҳақда А.С. Пушкин шундай ёзади: “Ҳар бир тилнинг ўзига хос иборалари, ўз кўйма нақллари сингиб кетган ифодалари бўлиб, уларни бошқа тилга муқобил таржима қилиб бўлмайди”.

Масалан, бир-бирларига ҳам моддий, ҳам маъно ва услубий вазифаси жиҳатидан ўхшаш инглизча “*The dogs bark but caravan goes on*” ва унинг луғатидаги ўзбекча «*Ит хурап, карвон ўтар*» мақолларнинг доим бир хил маъно ва услубий вазифа ифодаси учун қўлланиши мумкин бўлгани ҳолда, байналминал хусусиятига эга бўлиб, кўпгина тилларда учрайдиган «*Темирни қизигида бос*» мақоли ўзининг инглизча муқобили “*Strike while the iron is hot*” га барча контекстларда ҳам мос келавермайди. Бунинг ўзбекча варианты «ишни ўз вақтида бажармоқ» каби тушунчанинг образли ифодаси учун қўлланса, инглизча варианты мазкур тушунчадан ташқари «энг қулай имкониятдан фойдаланмоқ» тушунчасини ифодалайдики, бундай ҳолда унга ўзбек тилида бошқа мақол қидириб топиш зарурияти туғилади.

Ҳам моддий, ҳам маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан ўзаро мос айрим мақол ва маталлар таркибидаги баъзи предметлар номлари бир-бирларидан сон шакллари жиҳатидан фарқ қиладики, ушбу тафовут гоҳо таржимонларни чалғитиб, чалкашликларга олиб келади. “Муқобил танлашда таржимон албатта унинг контекстда англатган мазмунига эътибор бериши лозим, акс ҳолда, танлаган муқобилимиз матнда ифодаланган мазмунга тўғри келмай, фикрий ғализликларни келтириб чиқаради”. Жумладан, икки тенг мустақил бўлақлардан иборат бўлиб, ягона тушунчани англатадиган “этик”, “енг”, “қўл”, “оёқ”, “кўз”, “қулоқ” каби сўзлар ўзбек тилида, предметларнинг ҳар иккала қисмлари назарда тутилган тақдирда ҳам, шу тил анъанасига мувофиқ бирлик шаклда учрасалар, инглиз ва рус тилларида улар (boots-сапоги, sleeves-рукава, hands-руки, feet-ноги, eyes-глаза, ears- уши) кўплик шаклида ишлатилади.

Таржимада ҳар қайси лисоний воситаларнинг анъанавий грамматик шаклида қўлланишигина баён этилган фикрнинг нутқ маданияти доирасидаги ифодасини вужудга келтиради. Ўзбекча “*Деворнинг кулоғи бор*”, “*Кўрпанга қараб оёқ узат*” каби барқарор мақол ва маталлар таржимада инглизча “Walls have ears”, “*Stretch your legs according to the coverlet*” мақолларига сон шакли жикатидан мослаб, “Деворларнинг кулоқлари бор”, “Кўрпага қараб оёқларни узат” тарзида берилиши ўзбек тили меъёрининг бузилишига, бинобарин, мақол ва маталлар табиатан ифода этадиган образли умумлашмаларнинг барбод бўлишига олиб келади.

Луғатда “*There is no rose without a thorn*” мақоли ва унинг ўзбекча “*Тукансиз гул бўлмас*” мақолида “тикан” (a thorn) лексемаси бирлик шаклида берилган бўлиб, рус тилида кўплик шаклида акс эттирилган: “*Нет розы без шипов*”.

“*Agree like cats and dogs*” мақоли луғатда “мушук” ва “ит” (cat, dog) лексемалари кўплик шаклида берилган, рус ва ўзбек тилида эса ушбу лексемалар бирлик шаклида берилиб, ўз тил меъёрини тўлақонли акс этгирган: “*Иш билан мушукдай яшамоқ*” ва “*Жить как кошка с собакой*”,

Худди шундай ҳол инглизча “*Crows do not pick crow’s eyes*” мақолидаги “қарға” (crow) ва “кўз” (eye) лексемалари бирлик шаклида ўзбек тилига ўгирилган, яъни “*Қарга қарганинг кўзини чўқимайди*” шаклида берилган. “*Barking dogs seldom bite*” мақолида ҳам (dog) “ит” лексемаси кўплик шаклида ишлатилган, ўзбекча таржимасида эса бирлик шаюшда намоён бўлган: “*Қонадиган ит тишини кўрсатмас*”.

“Bird” (қуш) лексемаси инглизча “*Old birds are not to be caught with chaff*” мақолида кўплик шаклида, ўзбекча таржимасида эса бирлик шаклида намоён бўлади: “*Қари қушни тузоқ билан алдаб бўлмас*”.

Бир-бирларига маъно ва услубий вазифа жиҳатларида мос қатор мақоллар лексик жиҳатидан бир, баъзан икки компонентга фарқ қилади.

Бу асосан турли халқ вакилларининг ҳаёт воқеа-ҳодисаларига ўзига мос тарзда ёндашишлари, ўз тасаввурлари доирасида фикр-мулоҳаза юритишлари билан боғлиқ бўлиб, кўпгина нарса ва ҳодисалар улар тасаввурида турлича мазмун ва рамзий маъно касб этади.

Бундан ташқари, бир халқ ўзи ишлатган мақол ва матал таркибида муайян тушунчани ифода этадиган қатор маънодош сўзларнинг биридан фойдаланса, иккинчиси бошқасини истисно этиши мумкинки. натижада ўхшаш маъно ва услубий вазифа ифодаси учун хизмат қиладиган икки тил мақолларнинг биттадан компонентлари фарк қилиб қолади. Чунончи, ўзбеклар ишнинг пухта, режали бўлиши лозимлиги каби тушунчани образли ифодалаш учун тикиш ниятида белгилаётган материалнинг етти ўлчаб, сунгра кесилиши **“Етти ўлчаб бир кес”** зарурлиги каби муболаға асосида вужудга келган турғун бирикмадан фойдаланса, бу ўринда инглиз тилида қўлланиладиган мақол таркибидаги сон ўзбек тилидагидек “етти” эмас, балки “уч” дир. **“Measure thrice and cut once”**. Энг оғир меҳнатни инглизлар тасавурида “от” (*To work like a horse*), ўзбеклар тасавурида эса “эшак” (*Эшакдай ишламоқ*) бажаради. Ижобий таърифланаётган дилбар қизнинг қип-қизил юзини инглизлар “тилос”га ўхшатса (*As red as a cherry*), ўзбеклар “олмага” ўхшатади (*Олмадай қизил*).

Энг енгил нарса инглизлар тасавурида “пат” **“Light as a feather”**, ўзбеклар тасавурида эса “қуш” **“Қушдай енгил”** бажаради. Бир қалдирғоч келиши билан фаслнинг ўзгариши рўй бермаслиги инглизларда “ёз” фасли назарда тутилган **“One swallow does not make a summer”**, ўзбекларда эса “баҳор”, яъни **“Битта қалдирғоч баҳор келтирмас”** мақоли орқали ифодаланади. Инглиз тилида объект қуш бўлса, ўзбек тилида қалдирғоч (аниқ бир қуш номи) ифодаланган. Бу ерда қалдирғоч лексемаси мазмуни контекст орқали ифодаланадиган миллий колоритни ифодаламоқда. “Авгорнинг индивидуал услубини ва унинг асаридаги миллий хусусиятларни сақлаб қолишдек муҳим вазифани ҳал қилиш йўлидаги қийинчиликлар маълум даражада лексика ва фразеологияни таржима

қилиш масалалари билан вобастадир”[Саломов, 1966:239]

Луғатда бир уринишда, бирданига икки ишни бажармоқ маъносини ифодаловчи мақол инглиз тилида “куш” сўзи билан берилади: “*Kill two birds with one stone*”, ўзбек тилида эса “қуён” сўзи билан берилган: “*Бир ўқ билан икки қуённи ўлдирмоқ*”.

Бир ёмон инсоннинг атрофидаги бошқа барча инсонларга ёмон таъсир кўрсатиши инглиз тилида “чириган олма”га таққосланади, “*The rotten apple injures its neighbours*”, ўзбекларда эса “тиррақи бузоқ”ка ўхшатилади: “*Тиррақи бузоқ подани булгайди*”.

Мақолларни таржима қилишни қуйидаги усуллари мавжуд;

I. Бир эквивалентли таржима

а) Мутлоқ бир эквивалентли

Мутлоқ бир эквивалентли мақоллар саноклигина учрайди. Бундай ҳолатларда мавжуд турли тилларда мақоллар одатда бошқа тилдан қабул қилинган ёки адабий характерга эга:

Habit is second nature – одам бу иккинчи табиатдир

A good name is better than riches – Яхши исм олтиндан афзал

Time is money – Вақт пулдир

б) Нисбий бир эквивалентли.

1. қисман тасвирликда тафовут:

ингл: *A good husband makes a good wife*

ўзб: *Яхши эр - яхши хотин яратади*

2.Туб маъноли фарқи билан.

Юқоридаги гуруҳдан фарқли ўлароқ бир маъноли мақолларнинг туб маъноли мақоллардан фарқи, улар ўз ичига кўп мақол гуруҳларини олади.

Every family has a black sheep

Таржима: *Гуруч курмаксиз бўлмайд*

3. Сонда ва сўз тартибидаги фарқ.

Like mother, like daughter

Таржима: *Онасини кўриб қизини ол*

II. Танлаб олинадиган таржима.

Ўзбек тилидаги баъзи мақоллар синонимларга бой улар қачонки инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда бир мунча қийинчиликлар туғдиради:

Marry your daughter betimes lest they marry themselves

Таржима:

Қиз – қўноқ

Қизнинг боши – палаҳмон тоши

Қиз – меники, бахти – ўзганики

Яна бир мақол “*Онасини кўриб қизини ол*” мақолининг инглиз тилида куйидаги эквивалентлари мавжуд:

A tree is known by it's fruit

As the tree so the fruit

Like father like son

Like mother like daughter

Like begets like

III. Мақолларнинг эркин таржимаси.

Бундай мақолларда яъни инглиз мақолларининг ўзбек тилидаги эквиваленти ёки ўзбек тилидаги мақолларнинг миллий руҳда бирикмаётгани яққол билинса ёки инглиз тилидаги мақол стилистик муносабатда бўлса, тақлид қилиб сўз яшаш ёки инглиз мақолини таржима орқали ёритилади:

а) Инглиз тилидаги мақолларда тақлид қилиниб сўз ясалиши.

Инглиз тилидаги:

Son's are anchors of mother's life

Accidents will happen in the best regulated families.

Ушбу мақолларнинг ўзбекча эквиваленти йўқ. Уларни таржимасини сўзма-сўз бериш мумкин:

Ўғиллар она хаётининг лангаридир

Яхши оилаларда ҳам нохушликлар бўлиб туради

Бойлар қам йиғлайдилар

Юқорида айтиб ўтканимиздек сўзма-сўз таржима қилинаётганида албатта инглиз мақоли ҳақида гап кетаётгалигини таъкидлаб ўтиш лозим.

б) Тасвирий таржима.

Шундай мақоллар борки, уларни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. Масалан, ўзбек тилидаги “*Ҳақиқат аччиқ*” мақоли мисол бўла олади. Бу мақолни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, балки бу мақолни маъносини очган ҳолда тасвирлаш лозим: *Make better listening*.

Ўзбек тилшунослигида халқ мақолларини ўрганишнинг ҳозирги аҳволи республикаимиз олимларининг бу соҳада сезиларли ютуқларни қўлга киритганлигидан далолат беради. Лекин тилшунослик, таржимашунослик ва лексикология фанлари олдида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

III Боб бўйича хулосалар

Турли халқлар оғзаки ижодидаги мақол ва ибораларни ўрганиш жараёнида, мазкур жанрлардаги намуналар мазмун ва моҳият жиҳатдан деярли барча халқларда бир хилда такрорланаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай яқинликни оддий яшаш тарзининг ўхшашлиги, одамлар ҳаётидаги муносабатларнинг яқинлиги ва умуман ҳаётдаги кўп ҳолатларнинг бир хил вазият ҳосил қилиши билан изохлаш маъқул.

Мақолларнинг семантик маъноси бир хил бўлсада, лекин ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналаридан келиб чиқиб яратилган. Уларда миллий маданиятдан келиб чиққан ҳолда уша лингвомаданият учун долзарб бўлган образлар, реалиялар қўлланади. Мақолларда вербаллашаётган реалиялар, образлар ва турли тушунчалар тушунчалар ҳеч қандай муболағасиз мақолнинг маълум маданиятга ҳослигини кўрсатмоқда. Турмушда руй берган воқеа-ҳодисалар натижасида вужудга

келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда турли миллат вакиллари бирон мақол ёки иборани ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида келтириши мумкин.

Ҳатто масофа жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган халкларнинг тилларида ҳам ўхшаш, мазмун ва таъсирчанлик жиҳатидан мос муқобиллари мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир тилда мазмун жиҳатдан бир хил образлилиги жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган мақол ва идиоматик иборалар ҳам мавжуд. Аммо баъзи икки тил мақол муқобиллари айрим контекстларда бир-бирини алмаштира олмайди. Кўп маъноли икки тил мақолларнинг баъзи маъно ва услубий вазифалари ўхшаса, айримлари фарқ қилади. Ҳам моддий, ҳам маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан ўзаро мос айрим мақол ва маталлар таркибидаги баъзи предметлар номлари бир-бирларидан сон шакллари жиҳатидан фарқ қиладик, ушбу тафовут гоҳо таржимонларни чалғитиб, чалкашликларга олиб келади. Бир-бирларига маъно ва услубий вазифа жиҳатларида мос қатор мақоллар лексик жиҳатидан бир, баъзан икки компонентга фарқ қилади. Бу асосан турли халқ вакилларининг ҳаёт воқеа-ҳодисаларига ўзига мос тарзда ёндашишлари, ўз тасаввурлари доирасида фикр-мулоҳаза юритишлари билан боғлиқ бўлиб, кўпгина нарса ва ҳодисалар улар тасаввурида турлича мазмун ва рамзий маъно касб этади.

Мақолларни таржима қилишни қуйидаги усуллари мавжуд;

I. Бир эквивалентли таржима:

а) мутлоқ бир эквивалентли;

б) нисбий бир эквивалентли: 1) қисман тасвирликда тафовут; 2) туб маъноли фарқи билан; 3) сонда ва сўз тартибидаги фарқ.

II. Танлаб олинадиган таржима.

III. Мақолларнинг эркин таржимаси:

а) Инглиз тилидаги мақолларда тақлид қилиниб сўз ясалиши.

б) Тасвирий таржима.

CONCLUSION

The current stage of linguistics is characterized by the obvious transition to the anthropocentric paradigm focusing on the study of “human factor” in language, relationships between “man – language – culture”.

The anthropocentric approach central assumption of which is that every language, and especially its figurative meanings, are concerned with the reflection and extension of the world-view shared by the linguistic community. The expressions by which a culture is implemented are passed from one generation to the next through linguistic and cultural norms of usage. Language – and especially paroemia, in particular proverbs – are thus a crucial mechanism contributing to the formation and reinforcement of a cultural identity.

Due to anthropocentric approach to the investigation of language units, a new linguistic discipline – linguoculturology has emerged. This science focuses on the investigation of the relationship between language and culture. Paremiological units or proverbs are recognized as one of the most important language units that reflect the culture of a certain nation.

Our dissertation is dedicated to the investigation of English and Uzbek proverbs and their role in reflecting national world picture of English and Uzbek linguocultures.

The topicality of the reasearch is firstly, determined by the importance of the comparative researches of languages aimed at identifying their universal and national-cultural specific features, secondly, due to the increasing interest of linguists to the investigation of the relationships between culture and language, to releaving linguistic and extralinguistic factors in structure of proverbs.

The aim of the research – to determine the role of proverbs in reflecting national world picture of English and Uzbek linguocultures and to identify national-cultural specificity of English and Uzbek proverbs.

Scientific novelty of the work is determined by defining the role of proverbs in reflectin of national world picture of English and Uzbek

linguocultures, by identifying national-cultural specificity of English and Uzbek proverbs, defining linguistic and extralinguistic factors that influenced on proverbs and revealing the ways of translation of English and Uzbek proverbs.

The research consists of introduction, two parts, conclusion and the list of used literature.

Introduction contains: the topicality of the theme, its relevance and novelty, aim and tasks, object and subject of the research, the basic theoretical assumptions, the methods of research and the theoretical and practical significance of the work.

First chapter deals with the problem of linguoculturology as a science, the problems of paremiology and new approaches to the study of national-cultural specificity of proverbs. In our dissertation proverbs are understood as a linguocultureme or as the units of culture represented in language.

The second chapter of the dissertation deals with the analysis of proverbs of English and Uzbek proverbs.

The 1st paragraph deals with the cross-cultural analysis of the sources of English and Uzbek proverbs. To become a proverb, a saying has to be taken up and assimilated by the common people. In the process, its origin is forgotten and it is used as a part of popular wisdom. The origin of proverbs is very important as it helps to reveal extralinguistic factors that determine culture and language specific proverbs in the languages. According to our investigation the compared proverbs have the following sources:

- Collective wisdom of people (originating from folk life);
- Originating from religion: Bible (English)/Quran (Uzbek);
- Borrowings: 1) originating from other languages; 2) originating from Greek and Roman mythology;
- Literary sources.

The 2nd paragraph deals with semantic and thematic classification of English and Uzbek proverbs. We distinguished 13 thematic groups which are subdivided into more than 35 subthematic groups:

I. Proverbs devoted to the Motherland

II. Proverbs that reflect history of a particular nation

III. National philosophy

IV. Person and his life: a) inner life; b) life and death, youth and oldness; c) happiness – unhappiness, luck; d) richness and poorness; e) health.

V. Spiritual values of the person: a) goodness – evil; b) intellect – silliness; c) truth – lie; d) modesty – arrogancy; e) boldness – cowardness; f) responsibility – irresponsibility; g) compassion – cruelty and etc.

VI. Knowledge

VII. Family relationships: a) husband and wife relationships; b) parents and children relationships; b) other relationships.

VIII. Friendship and Love

IX. Social relationships

X. Casual life

XI. Economics

XII. Religion

XIII. Word and proverbs

The third chapter deals with the analysis of national-cultural specificity of proverbs and the analysis of extralinguistic factors that influenced them. According to the results of our investigation a big number of proverbs is analogous in semantics although their image composition and structure may be different. There is a number of equivalent less proverbs in every language as they reflect the mode of life of a certain nation, its history and world outlook. According to our investigation the non-equivalent proverbs may be divided into the following groups:

- Proverbs reflecting traditions and customs;
- Proverbs connected with realias;
- Proverbs connected with popular beliefs;
- Proverbs connected with historical events;
- Proverbs of military and marine origin;

- Proverbs of literary origin.

One of the specific features of Uzbek proverbs is existence of a big number of variants. In some cases one thought or judgement may be expressed by proverbs containing approximately adequate contents ("Аччиқни аччиқ кесар", "Заҳарни заҳар кесар", "Тиканни тикан билан чиқарадилар").

The last paragraph considers the problems of proverbs' translation. Many proverbs have their analogues in another language though different images and notions can be used. But sometimes even analogues proverbs can't be translated with their analogues as they may have different stylistic meanings and colouring.

The main types of conformities are as follows: 1) complete conformities; b) partial conformities; c) absence of conformities.

Proverbs can be translated by the help of several techniques:

I. Translation by analogy

a) a verbatim translation (complete equivalent);

b) partially verbatim translation: 1) partial descriptive conformity; 2) partial morphological and syntactical conformity; c) partial lexical conformity;

II. Chosen translation (when a proverb has several analogues in another language the most appropriate can be chosen);

III. Free translation

a) word by word translation.

б) descriptive translation.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Apperson G.L. English Proverbs and Proverbial Phrases. –London, 1959.
2. Deeva I.M. English Proverbs and How to Use Them. –Л., 1970
3. English Proverbs Explained//Ridout R. Witting C. –London and Sidney: Pan Books, 1969. – 224 p.
4. Fox. A. Oral and literature culture in England.-Oxford, Oxford University press, 2002.
5. Johnson. A. Common English Sayings. –London, 1965.
6. Maqollar – Пословицы/ К. М. Karamatova, Н. S.Karamatov. – Т.: Mehnat, 2002. – 400 b.
7. Merriam Webster’s Encyclopedia of Literature, Webster. Inc.,1995, p-912
8. Proverbs, Maxims and Phrases of All Ages/R.Christy, –Lnd-NY.: 1998. – 602 p.
9. Ridout R. and Witting C. English Proverbs Explained. –Lnd.1969.
- 10.Shore B. Culture in Mind. – Oxford: Oxford University Press, 1996. – 428 p.
- 11.Smith, W.G. The Oxford Dictionary of English Proverbs. –Oxford: Oxford University Press 1970.
- 12.Stevenson B. The Home Book of Proverbs, Maxims and Familiar Phrases. –N.Y., 1948.
- 13.Taylor. A. Problems in the study of proverbs// Journal of american folklore. 1934, Vol 47.
- 14.Taylor. A. The history of proverbian pattern/ Comparative studies in folklore.- Asia-Europe -America, China, The orient Cultural Service, 1972, Vol. 41.
- 15.The Concise Oxford Dictionary of Proverbs/J.Simpson. – Oxford: Oxford University Press LTD, 1979. –354 p.
- 16.The New Encyclopedia of Britannica.-London, Encyclopedia Britannica

- Inc., 1994. Vol. 9.
17. The Oxford Dictionary of Phrase Sayings and Quotations/ E. Knowles. – New York, 1997. – 316 p.
 18. The Oxford Dictionary of Phrases, Sayings and Quotations//Susan Ratcliffe, 2 nd edition, Oxford University Press, 2002. –756 p.
 19. The Penguin Dictionary of Proverbs. – England: Market House Books Ltd., Penguin Books. – 346 p.
 20. Абильдинова Ж.Б. Пословицы и поговорки как объект изучения в лингвистике // Вестник КазНУ. Серия филологическая.- 2007.- № 7.- С. 48-51
 21. Ақл–ақлдан қувват олади (Ҳикматли сўзлар, афоризмлар ва мақоллар). Тўпловчи ва тузувчи: М. Фозилов. –Т.: Ўзбекистон, 1967. – 264 б.
 22. Алишер Навоий ҳикматларидан. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 109 б.
 23. Английские и русские пословицы и поговорки, М.И. Дубровин. М. Просвещение, 1999
 24. Англо-русский фразеологический словарь//Кунин А. В.. – М.: Русский язык, 1984. – 942 с.
 25. Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество - М.: Просвещение. 1987
 26. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков: Учебное пособие для студентов пед. институтов. –Л.: Просвещение, 1979. 259 с.
 27. Баскакова, Г. Н. Пословицы и поговорки в обучении английскому языку / Баскакова, Г. Н. // English.- 2007.- 1-15 January.- N 1.- С. 5
 28. Буковская М.В. A Dictionary of English Proverbs in Modern Use. –М. "Русский язык, 1985.
 29. Буранов Дж.Б. Сравнительная типология английского и тюркских языков. –М.: Высшая школа, 1983. 256 с.

- 30.Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. М., 1983.- с. 88
- 31.Воробьёв В. В. Лингвокультурология (теория и методы) – М.: Академия, 2008. – 331с.
- 32.Гаевая А.И. Структурно - семантическая характеристика пословиц качественной оценки лица современного русского языка/ Автореф. ... кандидата филологич. наук. - Москва, 1990 г.
- 33.Гварджаладзе И. С., Мchedlishvili Д. И. Английские пословицы и поговорки. – М.: Высшая школа, 1971. – 80 с.
- 34.Деева И. М. Пятьдесят английских пословиц и их употребление: Пос. на англ. яз. Для студентов пед. вуз. / Деева, Ирина Михайловна.- Л.: Просвещение, 1970.- 91 с.
- 35.Донолар бисотидан. Ш. Шомухаммедов. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 312 б.
- 36.Жаркова, Т. И. Отражение национального характера в пословицах и поговорках / Жаркова, Т. И., Синицких, О. В. Иностр. яз. в шк.- 2008.- N 1.- С. 75-78
- 37.Жемчужины мысли народной. Афоризмы, изречения, пословицы. Сост. А. Халмухаммедов. – Т.: Изд-во: Ёш гвардия, 1972. – 208 с.
- 38.Зуннунов Ш. Дурдоналар хазинаси. – Т.: Шарк, 1999. – 210 б.
- 39.Иванова, Т. Н. Работа с пословицами и поговорками: [На материале английского языка] / Иванова, Т. Н. // Иностраный язык в школе=Мектептегі шет тілі.- 2004.- N
- 40.Интерпретация текста: На материале английских пословиц и поговорок.- М.: Высш.шк., 1991.- 166 с.
- 41.Карасик В. И. О категориях лингвокультурологии// Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности: Сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2002. – С. 3-16
- 42.Колесов В.В. Афористика Древней Руси // Мудрое слово Древней Руси. - М., 1989
- 43.Костомаров В.Г. Общее и особенное в развитии языков/

- Литература Язык Культура. –М., 1986. –С.264-269.
- 44.Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001.-208 с.
- 45.Машрикзамин – ҳикмат бўстони: Ҳикматлар хазинаси. Ҳ. Ҳомидий ва М. Ҳасаний. – Т.: Шарқ, 2008. – 464 б.
- 46.Маънолар маҳзани. Ш. Шомаксудов, Ш. Шораҳмедов. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 448 б.
- 47.Мезенцева Е.С. Пословичный фонд языка как фрагмент языкового сознания этноса // Вестник КазНУ. -№2. 2005. - с. 23-26.
- 48.Мусаев К. Лексико - фразеологические вопросы художественного перевода. Тошкент, «Укитувчи», 1980. - С 192.
49. Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. -Тошкент., “Ўқитувчи”, 1976. -159-бет.
- 50.Оз–оз ўрганиб доно бўлур (Қадимий ҳикматлар, насиҳатлар, ҳикоятлар, латифалар). Ш. Зуннун, Н. Муҳаммедов. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 208 б.
- 51.Орлянская Т.Г. Национальная культура через призму пословиц и поговорок //Вестник МУ.- Серия Лингвистика и межкультурная коммуникация.- 2003.- № 3.- С. 27
- 52.Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки (заметки по общей теории клише). Москва, 1970.
- 53.Рождественский Ю.В. Принципы современной риторики. М, 1999.- с. 108
- 54.Русские пословицы и поговорки/Сост. Ф. Селиванов, Б. Кирдан, В. Аникин/Под ред. В. П. Аникина. – М.: Художественная литература, 1988. – 431 с.
- 55.Русско-английский словарь пословиц и поговорок, С.С. Кузьмин, Н.Л. Шадрин. М. Русский язык, 1989
- 56.Сабитова З.К. Историческая память языка и культуры // VII Седелниковские чтения. - Павлодар, 2007. - с. 304
- 57.Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. -Тошкент., “Ўқитувчи”,

- 1973., -26-бет.
- 58.Саломов Ғ. Тил ватаржима. -Тошкент., “Фан”, 1966., -239-бет.
- 59.Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии/ Под ред. А. Е. Кибрик, – М.: «Прогресс», «Универс», 1993. – 654 с.
- 60.Словарь русских пословиц и поговорок/Сост. Жуков В.П. – М.: Русский язык, 1993. – 537 с.
- 61.Словарь употребительных английских пословиц: 326 статей.- М.: Русский язык, 1985.- 232 с.
- 62.Снегирёв И.М. Обзорение пословиц / Русское устное народное творчество. Хрестоматия по фольклористике. Под ред. Ю.Г. Круглова. – М.: Высшая школа, 2003. – С. 133-140.
- 63.Сўз кўрки – мақол. Р. Жуманиёзов. – Т.: Ёш гвардия, 1964. – 80 б.
- 64.Сытель В.В. Разговорные английские пословицы. – М.: Просвещение, 1971. – 128 с.
- 65.Тажибаева. Р.Д. Сходства и различия пословиц и поговорок // Вестник КазНУ. - №2. 2006. - с. 144-147
- 66.Тарланов З.К. Язык. Этнос. Время. - Петразоводск, 1993.-с.
- 67.Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. - М., 1996.-с. 241
- 68.Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. М., 2000.- с. 80
- 69.Ўзбек халқ мақоллари (2 томлик). Масъул муҳаррир: Мирзаев Т., Саримсоқов Б.– Т.: Фан, Т.І, 1987. – 368 б; Т.ІІ, 1988. – 373 б.
- 70.Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т. Мирзаев, А. Мусоқулов, Б. Саримсоқов. Масъул муҳаррир: Ш. Турдимов. – Т.: Шарк, 2003. – 512 б.
- 71.Фролова О.Е. Пословица и ее отношение к действительности // Вестник Московского университета. - №4. 2005.-с. 125-132.
- 72.Хаирова Г.М.Семантико-синтаксические и функциональные особенности бессоюзного сложного предложения пословичного

- типа в русском и казахском языках: Автореферат: 10.02.20. Караганда, 2004.- 29 с.
73. Хакимов М. Ёзувчи ва халк тили (Ўзбек ёзувчиларининг асарларида мақол ва афоризмлар), –Тошкент, 1971.
74. Черкасский М.А. Опыт построения функциональной модели одной части семиотической системы (пословицы и поговорки) // Паремнологический сборник. Пословица. Загадка: (Структура, смысл, текст). М., 1978. -с.39
75. 1340 английских пословиц и поговорок с русскими эквивалентами.- М.: ИБИС, 1992.- 127 с.
76. 500 английских пословиц и поговорок / Сост.: И. С. Гварджаладзе, А. Л. Гильбертсон, Т. Г. Кочинашвили.- 4-е изд.- М.: Изд- во лит. на иностранных яз., 1959.- 35 с.
77. 7000 золотых пословиц и поговорок / Сост. Ковалева С.- М.: АСТ, 1999